O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **8** сентябрь, жума № **36** (2163).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **8** сентября, **2006** год, № **36** (2163).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида она Ватанимиз манфаатларига садоқатли, сарҳадларимизни, муқаддас заминимиздаги тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраш каби шарафли бурчни ўз зиммасига олган энг муносиб ўғил-қизларимиз хизмат қилмоқда.

Ислом КАРИМОВ

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

2006 йил 8 сентябрь куни Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари даражасида Марказий Осиёни Ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтади.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси илк бор БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган эди.

1997 йил 15 сентябрь куни Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши бу йўлдаги илк амалий иш бўлди. Унинг натижаларига кўра Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани тайёрлашнинг шакл ва қисмларини кўриб чиқиш, уни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида Экспертлар гуруҳи ташкил этилди.

Ҳужжатнинг айрим банд ва қоидалари борасида келишувга эришиш масалалари бирмунча вақт талаб қилди. Женева, Тошкент, Саппоро, Ашгабад ва Самарқанд шаҳарларида шартнома матнини ишлаб чиқишга бағишланган амалий учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ташаббусини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш юзасидан ўтказилган музокараларда БМТнинг Қуролсизланиш масалалари бўйича департаменти ва МАГАТЭ экспертлари фаол иштирок этди.

Шартнома матни қоидалари борасида келишувга эришиш мақсадида «ядровий бешлик» (АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой) экспертлари билан маслаҳатлашув учрашувлари ўтказилди. Уларнинг якунлари бўйича ҳужжат лойиҳасига муайян тузатиш ва таклифлар киритилди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши минтақа давлатларининг Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани амалга оширишга, қуролсизланиш ва тарқатмасликнинг глобал жараёнига қўшадиган муҳим ҳиссаси бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббусининг ҳаётга татбиқ этилиши минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини яратиш борасидаги илк амалий қадам бўлиб қолади.

«Жаҳон» АА.
(«Халқ сўзи», 2006 йил 7 сентябрь).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

7 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Р.Азимов маъруза билан сўзга чиқди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

Депутатлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати биринчи ярим йилликда даромадлар харажатларидан юқори этиб ижро қилинганлигини, Вазирлар Маҳкамаси бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, солиқ тушуми механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан аниқ чоратадбирлар кўрганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳукумат томонидан бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни молиялаш ҳам тўлиқ ва ўз вақтида таъминланди.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

"Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев тақдим этди. Мазкур ҳужжат моддама-модда кўриб чиқилиши вақтида депутатлар уни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар баён қилдилар. Киритилган ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов "Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг ҳар томонлама муҳокамасидан кейин депутатлар Қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳасини қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Жумаев тақдим этди. Мажлисда сўзга чиққан депутатларнинг фикрларини эшитиб ва муҳокама қилиб, қонунчилик палатаси Қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг халқаро ва парламентлараро алоқалар соҳасида 2006 йилнинг иккинчи чорагидаги иши ҳақидаги ахборот билан сўзга чиқди. Депутатлар халқаро ва парламентлараро алоқалар соҳасидаги ишни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар киритдилар ва ахборотни маълумот учун қабул қилдилар.

(ЎзА).



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Жанговар синовда тобланар ўғлон

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ОЗОДЛИКНИНГ АСЛ ШАЙДОСИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Қисқа муддат ичида енгилмас сарбозларига, баҳодирларига бир неча бор қақшатқич зарба берган навқирон саркарданинг ўзи, давлати, севимли фарзандлари, халқи учун нақадар хавфли куч эканлигига тўла ишонч ҳосил қилган Чингиз энди бор қўшинини тўплаб, султон Жалолиддин билан ҳисоблашиш учун Ғазнага томон юрди. Бу хабарни эшитган султон жуда мамнун эди. Ахир суюнмай ҳам бўладими?! Мана, ниҳоят оғзидан олов пуркаб қадимий шаҳару қишлоқларни ёндириб кул қилаётган, минглаб ватандошлари, тинч аҳоли, ёшу қари, эркагу аёл, бешикдаги чақалоқларнинг ҳам ҳаётига зомин бўлаётган юз бошли аждарҳонинг юрагини суғуриб олиш, уни жаҳаннамга равона қилиш имконияти туғилди! Лекин... Лекин юрагида қасос, интиқом алангаси ловуллаб ёнаётган султон Жалолиддинга, манфур душман билан асосий, ҳал қилувчи жангга ҳозирланаётган буюк саркардага аждодлари руҳини шод этиш, ўз замондошларини ўт-олов чангалидан қутқариш, Чингизхон билан тенг олишувда аввал йўл қўйилган хатоларни тўғирлаш насиб этмади. Ўнлаб давлатлар, халқларнинг келажагига бевосита таъсир қилган бу буюк йўқотишнинг сабаби ғоят арзимас бўлса-да, дунёдаги барча миллатларга аччиқ сабоқ бўлиб қолди. Асосий, ҳал қилувчи жанг олдидан лашкарбошилар орасида улкан ўлжа учун келиб чиққан низо, аниқроғи озодлик урушига шайланган қўшин раҳбарларини ягона мақсад, ягона орзу бирлаштирмагани, майда манфаатларнинг устунлиги мўғуллар устидан фақат ғалаба қозонаётган, буюк салтанат уйини қайта тиклаётган Жалолиддиннинг, эрксевар халқ ўғлонларининг келажак орзуларини барбод этди.

(Давоми 8-бетда).

Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависить



ГОРДИМСЯ НАСЛЕДИЕМ ВЕЛИКИХ ПРЕДКОВ

Фраза, вынесенная в постоянную рубрику нашей газеты, звучит набатом. Она – духовная сила каждого из нас. Она – предупреждение строптивым псевдодемократам, напоминающее, что у Узбекистана свой путь развития. Эти пламенные слова Президента Узбекистана Ислама Каримова, родившиеся в ходе идеологических атак западных СМИ, вновь прозвучали в его выступлении на торжественной церемонии, посвященной 15-летию независимости Республики Узбекистан.

«Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть, – вновь подчеркивает глава нашего государства. – Доказательство этого – наша тысячелетняя богатейшая история и культура, оставившая яркий след в развитии человеческой цивилизации, деятельность наших великих ученых и мыслителей, известных всему миру выдающихся полководцев».

Заглядывая в глубь веков, можно все больше узнавать о нашей богатейшей истории, самобытной культуре и традициях узбекского народа, о наших великих предках и прославленных полководцах, о том, как в сознании народа формировались идеи свободы, гуманизма и любви к родной земле, к своему Отечеству.

Республика Узбекистан – одно из древнейших на нашей планете мест обитания человека и один из древнейших очагов цивилизации. Об этом свидетельствуют дошедшие до нас многочисленные памятники письменности, исторические находки ученых-археологов.

(Окончание на 8-й стр.).

Муштарийларимизга

САДОҚАТНИНГ, МАТОНАТНИНГ ҚЎШИҒИ

Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган йигитнинг вужуди, қалби фахр, ғурурдан нафас олаётганга ўхшайди. Ватанига, Президентига, халқига тантанали қасамёд қилар экан, шу лаҳзадан эътиборан бурч туйғуси унга куч беради, қувват беради, дея баралла айта оламиз. Ўғлон тантанали равишда қасамёд қабул қилар экан, юрт ишига қалб амри билан интилишга ҳаракат қилади. Садоқатдан ичган онти шунга даъват этади, руҳлантиради.

Маълумки, 2005 йилдан эътиборан олий ҳарбий билим юртларимизга ўқишга кирган йигитларимиз 1 сентябрдан – истиқлол айёми кунидан Ҳарбий қасамёд қабул қилишмоқда. Энг унутилмас бу воқеа энг улуғ байрамимиз кунида ҳаётларига муҳрланмоқда. Мана, истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйи кунида ҳам курсантлик, миллий армиямизнинг ҳарбийси бўлишдек бахт насиб этган ўғлонларимиз садоқатдан онт ичишди. Сафларда мағрур-мағрур туришган алпларимиз Ўзбекистонимизнинг етук офицерлари бўлиш, миллий армиямизни янада шакллантириш, халқига, Ватанига, истиқлолига садоқатли бўлишга онт ичишди. Бунда улкан рамзий маъно мужассам. Бу уларнинг истиқлол сабаб шундайин бахтга муяссар бўлаётганлигига, демакки, энг улуғ, энг азиз неъматимизни кўз қорачиғидай асраш кераклигига ишора. Мустақиллигимиз кунида Ҳарбий қасамёд қабул қилгани йигитнинг хотирасида умрбод сақланади. Бу садоқатдан ичган онти юрак-юрагига сингади, дегани.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаб, халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам билан қутлаб, ўз тараққиёт ва истиқбол йўлини танлаган ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигини таъкидлар экан, бунинг мезони сифатида тинчлигимиз ва хавфсизлигимиз,ҳимоясида, чегараларимизни дахлсиз сақлаш йўлида мардона турган, бугун жасорат ва матонат мактабини ўтаётган, замон талабига жавоб берадиган ва ҳар қандай зўравон босқинчиларга муносиб зарба беришга қодир бўлган Қуролли Кучларимиз борлигини фахр билан айтиб ўтдилар. Ҳа, бугун фахримиз, ғуруримизга айланиб бораётган миллий армиямиз ўғлонларимизнинг қасамёдга содиқлиги туфайли истиқлолга, тинч-осойишта ҳаётимизга метин қалқон бўлиб келмоқда.

Йигит юрагида оловдек куч борлигини биласиз. Қасамёд ана шу кучни истиқлолни, халқининг тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялашга, мамлакати равнақи ва истиқболини асраб-авайлашга йўналтиради. Демакки, қасамёд билан жасорат, матонат, садоқат деган туйғулар ҳам яна қайта ранг олади. Агар муқояса қилиш лозим бўлса, қасамёдни садоқатнинг, матонатнинг қўшиғи, дейиш мумкин.

Юракдаги кучинг уйғонаётгани, у садоқатинг, шижоатинг, матонатингга янгича мазмун, янгича маъно бераётгани муборак, она юрт посбони!

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан сўнг, 1992 йил 8 декабрда истиқлолимиз рамзи бўлмиш биринчи мукаммал Конституциямиз қабул қилинди. Мустақиллик ғоялари билан суғорилган ушбу ҳуқуқий низомномани Истиқлол қомуси деб атасак ҳам муболаға бўлмас. Орадан атиги 14 йил ўтган бўлса-да, Конституциямизнинг нақадар мукаммал қилиб тузилганлигига, жаҳон демократик конституциялари қаторидан ўрин олишга лойиқлигига амин бўляпмиз. Шу қисқа давр мобайнида асосий қонунимиз, яъни Конституциямиз асосида жуда кўплаб қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар эса ўз навбатида, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг негизини ташкил этади. Мана шу қабул қилинаётган қонунлар, Конституциямиз, улар асосида ўтказилаётган ислоҳотлар Ўзбекистонимизнинг ривожига катта ҳисса қўшмоқда ва буюк келажагига кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 8-бетда).


3 КЛЯТВА НЕЗАВИСИМОЙ РОДИНЕ
НА ВЕРНОСТЬ НАРОДУ И ПРЕЗИДЕНТУ


4 ВОСТОЧНЫЙ ВОЕННЫЙ ОКРУГ
БАТАЛЬОН НЕ ПРОСИТ ОГНЯ...


10 БАЙРАМ НАФАСИ
МЕН ВАТАН ДИЛБАНДИМАН


12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ДОИМО ИЖОДИЙ ПАРВОЗДА

Ўқув машғулотлари авжида

СОҲАГА ФИДОЙИ ПОСБОН

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Феруз Неъматов нафақат взвод, балки ўз хизмат қилаётган қисм миқёсида ҳам барчага ибратли посбонлардан. У ҳарбий соҳага улкан иштиёқ ва устувор мақсад билан кириб келди. Яъни ҳарб илми сирларини пухта эгаллаб, юрт осойишталигини асраш ишига ўз ҳиссасини қўшишдек шарафли мақсадни болалигидан дилига жо этди. Бу истак муддатли ҳарбий хизмат даврида янаям мустаҳкамланди. Аскарлик даври десантчилар қисмида ўтган шунқорга армия улкан мактаб вазифасини ўтади. Жанговар санъат илми сирлари, ўз устида ишлаш, техника, жисмоний тайёргарлик ва маънавий билимларни пухта эгаллаб бориш баробарида соҳага ҳаваси ортган посбон қатъий мақсад билан шартнома асосидаги хизматга кирди.

Ҳозирда радиоалоқачи вазифасида ўз шарафли бурчини адо этаётган кичик сержант Неъматов ижтимоий-сиёсий, тактик ва жанговар тайёргарлик машғулотларида ҳамиша илғорлар сафида бўлиб келмоқда. Сафдошларидан эса керакли пайтда ўз ёрдамини ва қимматли маслаҳатини асло аямайди. Хизматдош йигитлар унга ишончли дўст, жасур ва тажрибали жангчи сифатида ҳурмат билан қарайдилар. Ёзги ўқув мавсуми машғулотларида ҳам энг фаоллар сафида бўлган ўғлон соҳа билимларини қунт билан ўзлаштириб, мудом билим ва тажрибасини бойитиш ҳаракатида. У шу йил баҳорида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида ўтказилган радиоалоқачилар йиғинида ҳам муносиб иштирок этиб, илғор натижага эришган эди. 2003 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида билим ва тажрибасини бойитгани, яъни малака оширгани бу ўринда жуда қўл келди.

Жанговар машғулотлар пайтида сифатли ва тезкор алоқанинг ўрни қанчалик муҳим эканини яхши биламиз. Бўлинма тегишли вазифани адо этаётганда, асосий кучлардан узоқда дейлик. Командир юқори қўмондонлик билан тезкор алоқа ўрнатишга буйруқ берди. Шунда алоқачи олдинги маррадаги вазиятни штабга билдириши, қўшимча кучларга эҳтиёж борйўқлигини етказиши, бошқарув штабидан тегишли буйруқларни қабул қилиб олиши, қаерда қандай ҳаракатланиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмаларни ўз командирига билдириши ва бошқа бир қатор вазифаларни тезда ҳал этиши лозимки, бунинг барчаси ундан ўта ҳушёр, вазифасига масъулият билан ёндашиш ҳамда аниқликни талаб этади. Зиммасидаги вазифанинг нақадар жиддийлигини чуқур ҳис этган посбон шунинг учун ҳам тинмай ўз устида ишлайди.

– Сафдошларимни ўзимга мусобақадош деб биламан, – дейди кичик сержант Феруз Неъматов. – Шундай мард, ҳақгўй ва танти йигитлар билан бир сафда хизмат қилаётганимдан хурсандман. Умуман, бугун армиямиз ислоҳотлар сабаб, буткул янгича қиёфа касб этиб бормоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг барчаси ўқиб-изланадиган, билими, дунёқараши, интеллектуал салоҳияти юксак шахслар. Ҳар бир ҳарбий хизматчи профессионал асосга ўтаётган армиямиз шаклланиш босқичларида ўз ҳиссасини қўшишга, чинакам профессионал деган номга сазовор бўлишга астойдил интилади. Армияга йигитларнинг тегишли танловлар билан саралаб, пухта текширилиб олинаётганидан ҳам кўринадики, жанговар сафларда саралар ичра саралар хизмат қилишмоқда.

Кичик сержант Феруз Неъматовнинг илғор натижаларга эришишида у хизмат қилаётган жамоанинг, соғлом ижтимоий муҳитнинг ҳам таъсири катта десак, ўринли бўлади. Чунки шахсий таркиб ўртасида яхши ижтимоий муҳит шаклланган. Кимнинг қандай муаммоси бўлса, сафдош дўстлар ёрдамга доимо шай туришиб, биргаликда ҳал этишга, ёрдам беришга ҳаракат қилишади. Неъматов хизмат қилаётган взводда кенг ва кўп қиррали фаолият олиб бориш учун кенгаш ҳам ташкил этилгани, унинг ҳам кенгаш аъзоси эканлиги фикримиз далилидир. Қисқача қилиб айтганда, армиямиз суянчи ва таянчи бўлган сержантларимиз чинакам профессионал посбон сифатида ҳар соҳада илғорликка интилишмоқда.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

АЗАМАТ ЮРТНИНГ АЗАМАТ ЎҒЛОНИ



Азамат ўзи дунёга келган Фарғона вилояти, Ёзёвон туманидаги Марказ қишлоғида яшовчи ҳамқишлоқларининг севиниб, унинг ҳарбий профессионал касбини эгаллаш йўлида кўрсатган жасорат ва матонатини юқори баҳолаб, «Балли, Азамат!» дейишларига сабабчи бўлган. Округ сержантлар тайёрлаш мактабининг илк «қалдирғочи» бўлмиш кичик сержант Азамат Маматов ҳозирги вақтда сафдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра унинг «Жасорат» медали билан мукофотланиши Азаматнинг юрт тинчлигини сақлаш йўлидаги муносиб хизматларига берилган юксак баҳо сифатида эътироф этилди.

– Кичик сержант Маматовни меҳнаткаш, интилувчан, ўз устида тинмай ишлайдиган ҳарбий профессионал сифатида сафдошлари ҳурмат қилишади, – дейди қўл остидаги аскари ҳақида взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Қайрат Нисанбеков. – Ҳар қандай мураккаб вазиятларда ўз қуролдош ўртоқларига амалий ва руҳий мадад бериб, кўмагини аямаслиги ҳам Азаматнинг жамоадаги обрў-эътибори юқори бўлишини таъминламоқда.

Азамат муддатли ҳарбий хизматини бир неча йил муқаддам ҳаво-десант бўлинмасида бошлаганди. Ёшларимиз орасида «зангори беретларга» нисбатан баланд бўлган ҳурмат-эҳтиром Азаматнинг қалбида ҳам Ватан ҳимоячиси касбига меҳрини орттирса, ажабмас. Болалигидан десантчи бўлишни орзу қилиб яшаган ўғлон, ўз ниятига эришиб, «қанотли пиёдалар» сафида аъло даражада хизмат қилиб, қўмондонлик эътиборини қозонди. Ахир десантчилар жанговар машинаси механик-ҳайдовчиси касбини пухта эгаллаган оддий аскар шартнома асосида хизмат қилиш истагини билдирганда, командирлари унинг илтимосини ижобий ҳал этишгани ҳам бежиз эмас. Танлов тўғри бўлиб чиққанини эса вақтнинг ўзи исботлади. Бугунги кунда илғор пулемётчи кичик сержант А.Маматов ёш сафдошларига ҳамма томондан ўрнак кўрсатмоқда. Жумладан, парашютдан сакраш бобида ҳам бой тажрибага эга, 70 дан зиёд марта ҳаво кемасини парашют ёрдамида тарк этган малакали мутахассис.

Шарқий ҳарбий округда сержантлар тайёрлаш мактаби очилганида қисмдан биринчилардан бўлиб янги билим ва кўникмаларни эгаллаш мақсадида мазкур илм даргоҳига кичик сержант А.Маматов жўнатилди. Чунки, Азамат ана шундай юксак ишончга муносиб мутахассис эди-да. Зеро, миллий армиямизда изчиллик билан олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар самараси эндигина очилаётган сержантлар тайёрлаш мактаблари «илк қалдирғочлари» муваффақиятларида яққол кўзга ташланиши мақсадга мувофиқ эди. Шундай бўлди ҳам: деярли барча илк битирувчилар ҳозирги вақтда ўз хизмат жойларида аъло даражада аскарлик бурчини ўтамоқдалар. Кичик сержант Азамат Маматовнинг намунали хизматлари ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Яқинда катта лейтенант Азизжон Арзумуродов бошчилигидаги разведкачилар взводи шахсий таркиби дала-ўқув машғулотларини бажариш учун ҳарбий қисм полигонига чиқдилар. Дала шароитларидаги мураккаб машқлар мобайнида пулемётчи кичик сержант А.Маматов барча нишонларни бехато яксон этиб, ўқув жангидаги ғалабани таъминлашга ўз салмоқли улушини қўшди. Бу эса Азаматнинг Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрамига муносиб совғаси деб эътироф этилди. Энг муҳими, ўз бурчини бажонудил адо этаётган, исми жисмига монанд посбон нафақат сафдошларини, балки унга таълим-тарбия берган устоз-командирларининг самимий олқишларига сазовор бўлмоқда.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ВЫСОКИЙ УРОВЕНЬ ЗНАНИЙ

С первых дней хорошо служит рядовой Зафар Исмаилов. Его биография укладывается всего в несколько строк: после школы работал слесарем-ремонтником на автобазе, перед срочной службой учился на водителя на курсах ОСО «Ватанпарвар», затем – армия. В подразделении и командиры и сослуживцы сразу же обратили внимание на высокий уровень знаний воина, его умение обслуживать и эксплуатировать технику, стремление в трудную минуту прийти на помощь товарищам.

В секции, которую возглавляет рядовой З. Исмаилов, подобрались отличные ребята, технически грамотные, инициативные. Среди них особо выделяются рядовые М. Джуракулов, О. Абдурахмонов, Ш. Шакиров и другие. Они – передовики соревнования. Все сослуживцы держат на них равнение.

Передовики учебы стараются все поставленные перед ними задачи выполнять добросовестно, качественно и в срок. Всегда готовы прийти на помощь начинающим воинам. Не без их участия стали отличными водителями рядовые А. Эгембердыев и М. Файзиев. А под руководством своего младшего командира воины секции в образцовом состоянии содержат вверенную им технику.

– Мои подчиненные умело и уверенно водят машины по пересеченной местности, – рассказывает рядовой З. Исмаилов. – Каждый может ездить на максимально возможных скоростях в любую погоду, в любое время суток. Все они заботливо ухаживают за техникой, экономят моторесурсы, горючие и смазочные материалы. И как итог такого отношения к делу – успешное выполнение принятых обязательств в честь Дня независимости.

– В ходе летнего периода обучения, – рассказывает командир группы лейтенант М. Норкулов, – секция рядового Зафара Исмаилова не раз называлась в числе победителей соревнования. Его подчиненные умело используют технику и правильно ее эксплуатируют, постоянно повышая свои военно-технические знания.

Характерной чертой воинов секции является не только их любовь к технике. Все они живут в дружбе со спортом. Физическая закалка, высокие морально-психологические качества, способность переносить большие нагрузки – эти качества присущи подчиненным рядового З. Исмаилова.

Можно много говорить и о широте и разнообразии духовных интересов воинов. На первый план они выдвигают вопросы общественно-политической жизни в стране и за рубежом, далее – вопросы экономики, науки, техники, культуры, спорта и т.д.

Много энергии, сил и старания требует от солдата служба в наших Вооруженных Силах. В повседневных ратных буднях шлифуется мастерство воинов секции, возглавляемой рядовым З. Исмаиловым. Воспитывается характер, высокая собранность и дисциплинированность – то, что и характеризует облик сегодняшнего защитника Родины.

Александр СЕРГЕЕВ.

МАҚСАДИ – ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИР

Офицер Расул Ортиқов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда фақат офицер ва сержантлар жамланган. Энг сара ўғлонлар орасида илғор бўлишдек мураккаб вазифани шараф билан ўтаб келаётган, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ҳаким Турсуновнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Самарқанд касб-ҳунар коллежининг бошланғич таълим бўлимини яхши баҳоларга битирган Ҳакимжон биринчилардан бўлиб, ўз йигитлик ҳамда конституциявий бурчини ўташга отланди. Муддатли ҳарбий хизматни қўриқчилар взводида ўтади. Хизмат давомида ҳарб илмидан яхши сабоқлар олган ўғлон қалбида ҳарбийликдек шарафли касбга қизиқиш уйғонди. Ҳозирда, командирларнинг унга билдирган ишончлари, ота-онасининг ҳайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлашларидан руҳланган Ҳакимжон хизматини шартнома асосида давом эттирмоқда.

–Кичик сержант Ҳакимжон Турсунов зиммасига юклатилган масъулиятни астойдил адо этиб келмоқда,–дейди офицер Наби Алишаев. – У ўзининг интилувчанлиги, тиришқоқлиги билан кўп нарсага эриша олади. Қисмимизда ўтказилган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича тадбирда ҳам иқтидори ва билимини намойиш этиб, ҳарбий хизматчилар орасида биринчи ўринни қўлга киритди.

Кичик командир гуруҳига бириктирилган жанговар техникаларнинг сақланиши, техник созлигига, доимо жанговар шай туришига ҳам масъулдир. У зирҳли техникалар билан бемалол тиллаша олади. Гуруҳ билан олиб бораётган машғулотларини қийинчиликсиз, юқори савияда ўтказади. Ҳарбий қисмда бу гуруҳ энг илғорлардан саналади.

Ҳакимжон жисмоний машқларга ҳам эътибор бериб, каратэ билан ёшлигидан шуғулланиб келган. Бойсун туманида ўтказилган мусобақада 2-ўринни қўлга киритган бўлса, вилоят чемпионатида фахрли 3-ўринга муносиб топилган. Ҳозир ҳам у каратэ сир-асрорларини мустақил равишда мунтазам ўрганиб бормоқда. Бунинг учун ҳарбий қисмда етарли шароитлар бор.

Китоб ўқиш унинг жону дили. Ўзбек, рус, турк адибларининг асарларини кўпроқ мутолаа қилади. Бўш вақти бўлди дегунча, қисм кутубхонасига боради. У ерда ўқиш учун талайгина китоблар мавжуд.

–Ҳакимжон билан ҳам сафдош, ҳам қадрдон дўстмиз, – дейди оддий аскар Воҳид Турсунов. –У хизмати давомида ўзини ҳар томонлама кўрсата олган йигитлардан. Унга ҳар қандай вазиятда суянса, ишонса бўлади.

Ҳарбий қисм командири томонидан, қоровуллик хизматини яхши ўтаганлиги, Умумҳарбий низом қоидаларини тўлиқ ўзлаштирганлиги, ўз вазифасига масъулият ила ёндашганлиги боис, кичик сержант Ҳаким Турсунов бир неча бор Фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган.

–Мен, – дейди унинг ўзи, – ҳарбийликдек шарафли касбни танлаганимдан фахрланаман. Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, у ердаги устозларимдан ҳарб илмининг сир-асрорларини чуқур ўрганиб, билимимни янада бойитдим. Бу билимлар хизматим давомида жуда асқотмоқда. Мақсадим, малакаларимни янада ошириб, билдирилаётган эътибор ва ишончни муносиб оқлашдир.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

ЁШЛИК ВАҚТИМ – ОЛТИН ТАХТИМ

Ёшлик. Айни кучга тўлган пайт. Тоғни урса талқон қилади. Бир ишни қилишга бел боғладими, албатта, охирига етади. Чунки томирида қон жўш уриб турибди. Ғайрати танига сиғмайди.

Бугуннинг ёшлари XXI асрни елкасида кўтариб юришга қодир ёшлар. Ҳур Ўзбекистонимизда камол топаётган ёш авлодни мен бахти бутун фарзандлар, дегим келади. Чунки улар озод, эркин, мустақил юртда туғилишди, тарбияланишмоқда, илм-фан сирларини ўрганишмоқда. Келажаги умидли.

Мен яқинда таҳририят топшириғига кўра Марказий ҳарбий округда хизмат сафарида бўлиб қайтдим. Сафарим чоғида ана шу округда эндигина жанговар фаолиятини бошлаётган ёш мутахассислар – лейтенантлар билан танишдим, суҳбатда бўлдим.

Бундан тўрт-беш йил олдин катта умидлар билан олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришган қаршимда турган йигитлар бугун офицер, Қуролли Кучларимизнинг ёш мутахассиси.

– Мен, – дейди лейтенант Бахтиёр Дадабоев, – мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги тўйи арафасида ўз хизмат фаолиятимни бошлаётганимдан беҳад мамнунман. Беш йил давомида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида таълим олдим. Бугун алоқачи мутахассислигига эгаман. Эгаллаган билимим, бор кучимни мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучлар алоқа тизимини янада такомиллаштириш, умуман, Ватанимизни ишончли ҳимоя қилиш йўлида сарфлашга тайёрман.

– Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирганимда, – деб гапга қўшилди лейтенант Каримжон Матхолиқов, – тўрт йил жуда тез ўтиб кетади, деб ўйламовдим. Тўғри, бугун назаримда тўрт йил жуда тез ўтгандек туюлмоқда. Бироқ ўқиш-ўрганишнинг ҳам ўзига хос машқ-қатлари бўлди. Имтиҳонларга тайёрланиш пайтлари кечани кундузга улаб юборган пайтларимиз бўлди. Бир нарсага амин бўлдимки, кишида ўз касбига иштиёқ бўлса, ҳар қандай қийинчиликни осонлик билан енгиб ўтар экан. Бу билан бундан буёғи осон кечади, демоқчи эмасман. Ҳарбий хизматнинг ҳар они, ҳар дақиқаси биздан куч, ирода талаб қилишини яхши тушунаман.

– Йилдан-йилга олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш мураккаблашиб бораётганлигидан хабарим бор, – дейди 2006 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомлаган лейтенант Акмалжон Абдувоҳидов. – Биз ўқишга кирган йили ҳам осон бўлгани йўқ. Кимки ўз олдига астойдил офицер бўлишни мақсад қилиб қўйган бўлса, ҳаракат қилиши керак. Ҳаракатлари бир куни ўз мевасини беради.

Мен бугун лейтенант бўлиб, мутахассислигим бўйича дипломга эга бўлган бўлсам, бу ҳали бошланиши. Насиб қилса, Қуролли Кучлар Академиясида ҳам ўқиш ниятим бор. Бунинг учун муносиб бўлишим кераклигини жуда яхши тушунаман.

Эндигина хизматларини бошлаган лейтенантлар хизмат жойларида командир ва бошлиқлар яхши кутиб олишганлигини, хизматларини муваффақиятли ўташлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё эканлигини тўлқинланиб сўзлаб беришди.

Юртбошимиз шундай таъкидлайди: **«Ҳаммамизга аёнки, бугунги кунда замонавий армияда хизмат қилиш учун жисмоний тайёргарлик, айтайлик, турникда тортилиш, тўсиқдан ошиб ўтиш, нишонга бехато отишнинг ўзигина камлик қилади. Армия сафларида ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим».**

Ишончимиз комилки, ёш лейтенантларда ана шундай хусусият ва фазилатлар мавжуд.

Ёшлик вақтим – олтин тахтим, деган мақол бор. Бизнинг ёшларимизнинг олтин тахти – кучи, ғайрати, билимидир.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

ЭРКЛИ ЮРТНИНГ ЭРКПАРВАР ЎҒЛОНЛАРИ

ИЛҒОРЛИККА ИНТИЛГАН КУРСАНТ



– Ёшлигимдан ҳарбийликка қизиқаман. Айни пайтда миллий армиямиз курсанти эканлигимдан фахрланаман, – дейди Акобир Рамазонов.

Қатъиятли ва ўзига нисбатан талабчан бўлган бухоролик бу йигит Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг 3-курс курсанти.

– Бугун курсантлар билан ишлашнинг ўзига хос машаққати бор, – дейди майор Умид Зивитдинов. – Чунки бугунги курсантлар анча қизиқувчан бўлиб, машғулотлар пайтида тинимсиз саволлар билан мурожаат қилишади. Шогирдларимдан курсант Акобир Рамазоновни айнан мана шундай фазилати учун ҳам ниҳоятда ҳурмат қиламан. Курсант кўп савол беряптими, унинг соҳага қизиқиши юқори.

Бухоролик шунқор нафақат назарий машғулотларда, балки амалиётда ҳам етакчи ҳисобланади. Яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотида унинг шартли душманни яксон қилиш мақсадида олиб борган жанговар ҳаракати юқори баҳоланди.

Бугунги замонавий армиянинг қудрати ҳарбийларнинг интеллектуал салоҳияти билан ҳам ўлчанади. Миллий армиямизга муносиб посбон бўлишни истаган курсант Акобир Рамазонов бўш вақти бўлиши билан ундан унумли фойдаланиш мақсадида кутубхона ва спорт шаҳарчасига ошиқади.

ЮРТ ТУЙҒУСИ ДИЛИМДА



– Юртини чин дилдан севиб, уни кўз қорачиғидай асрашни истаган ҳар бир мард ўғлон ҳарбий бўлишга интилади, – дейди курсант Баҳодир Раҳимов. – Чунки айнан ҳарбийлик ҳақиқий юртпарвар, фидойи кишилар касби. Ҳарбий билим юрти курсанти бўлгач, туғилиб ўсган заминимга нисбатан янада меҳрим ортди. Боиси, бу ердаги ҳар бир устоз бўлажак офицерларга юртга содиқликдан сабоқ беради.

Гўзал Ўзбекистонимизнинг ҳарбийси бўлиб, унинг осойишталиги йўлида хизмат қилишни истаган Баҳодир айни пайтда буни амалда исботламоқда. У ўқув машғулотларида бир неча бор юқори натижалар кўрсатиб, Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаларига муносиб топилди.

– Баҳодир таҳсил олаётган курс шунқорлари ҳарбий билим юртимизда етакчилардан саналади, – дейди подполковник Владимир Стибницкий. – Уларда бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган барча сифатлар мужассам десам, янглишмайман. Улардан биргина курсант Раҳимовни мисол қиладиган бўлсак, жанговар ўқув машғулотларини кузатиб, шу нарсага амин бўлдимки, у ҳар қандай мураккаб вазифани ҳал қилишни жуда яхши билади. Бу эса унинг назарий ва амалий машғулотларни яхши ўзлаштирганидан далолат.

Биз Баҳодир Раҳимовни, Қуролли Кучларимизга кўплаб профессионал офицерларни етказиб бераётган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг ҳақиқий сара курсантларидан, дея бемалол таъкидлашимиз мумкин. Бугун курсантлик даврида ўз имкониятларини намойиш қила олган йигит миллий армиямиз сафида офицер сифатида хизматини бошлагач, янада юқори чўққиларни забт эта олади.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Огоҳлик – давр талаби

ПОСБОНЛАРНИНГ ҚУРОЛИДИР ҲУШЁРЛИК

Дуога қўл очганимизда аввало, «Юртимиз, дунёмиз тинч бўлсин», деймиз. Бу миллатимизнинг, халқимизнинг тинчликпарварлигидан. Қаранг, барикенг халқимиз нафақат ўзига, балки жамики башарга тинчлик-осойишталик тилайди.

Яхши биламизки, юрт тинчлиги барқарор тараққиётимиз гарови, бебаҳо неъмат, улуғ бир саодат демакдир. Тарихга назар ташласангиз ҳам башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида аввало тинчлик-тотувликка интилиб келган. Шу маънода тинчликни сақлаш, мустаҳкамлаш умумбашарий долзарб масала, дея баралла айта оламиз. Умуман, барча замонларда ҳам тинчлик инсон учун муқаддас бир қадрият бўлиб келган.

Тинчликдан бежиз сўз очмадик. Негаки, халқимизнинг тинч, осойишта яшаши Ватанимиз, юртимиз тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳар биримизда «юртим тинч – мен тинч, элимнинг бошига тушган кулфат – менинг ҳам кулфатим», деган фикр ёки «ўзимни, ўз уйимни ўзим асрамогим керак», деган ўй бўлмоғи лозим. Ана шунда янада фаровон яшаймиз, янада равнақ топамиз. Кўзлаган устувор мақсадларимизга бирин-кетин эриша борамиз. Демак, бу талотўп дунёда огоҳ бўлиб яшамоғимиз, тинч-осойишта ўтаётган ҳар бир кунимизга шукроналик келтиришимиз лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимиз ҳимоячиларининг тинчликни сақлаш йўлидаги энг муҳим, асосий қуроли огоҳлик, сергаклик бўлмоқда. Айниқса, истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйи кенг тантана қилинаётган, юртда байрам шукуҳи кезиб юрган бир пайтда марду майдон посбонларимиз ўз постларида сергак, жанговар шай туришди. Бунга мисол қилиб, қуйидаги воқеани келтириб ўтишни лозим топдик.

1 сентябрь... Халқимиз, жамоатчилигимиз энг улуғ, энг азиз айёмимизнинг қутлуғ тўйини нишонлаяпти. Соат тахминан тунги 11 лар чамаси. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Фозил Норматов ва Сайдулло Холматовлар шубҳали бир кимсанинг ҳарбий қисм деворидан ошиб тушганини сезиб қолишди. «Нияти холис киши эшик қолиб, девор ошмайди. Демак, бу кимса қандайдир қабиҳ бир ниятда», деган фикр ўтди профессионал посбонларимиз кўнглидан. Дарҳол бу ҳодиса ҳақида қисм навбатчисининг ёрдамчиси катта лейтенант Ш.Ибрагимовга хабар беришди. Офицер ўз навбатида Низом бўйича аниқ хатти-ҳаракат қилди. Посбонларимизнинг жанговар шайликлари, огоҳликлари сабаб тартиббузар кимса зудлик билан қўлга олинди. Айниқса, оддий аскар Жаҳонгир Ҳасанов ва Мурод Ҳамидовларнинг бу ўринда мақтови, жасоратига қойил қолмоқ лозим. Ахир, шубҳали кимсани патруллик хизматини ўтаётган ана шу азаматлар қўлга олишди-да. «Биз энг катта бойлигимиз бўлган мустақиллигимизни, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоялаш учун хизматга келганмиз. Бу бойликларга кўз олайтирадиганларга муносиб зарба беришга ҳамиша шаймиз», дейишди шунқорлар.

Қалбларида Ватанга, халққа, истиқлолга садоқат руҳи жўш уриб турган бундайин ўғлонлар билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Сафар АЛИЕВ.

Клятва независимой Родине

НА ВЕРНОСТЬ НАРОДУ И ПРЕЗИДЕНТУ

Для курсантов-первокурсников Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища день 1 сентября стал вдвойне праздничным. В День независимости в присутствии родителей и родных, большого числа гостей они приняли Военную присягу на верность народу и Президенту.

Новое поколение защитников Узбекистана поздравили с этим радостным событием заместитель министра обороны Республики Узбекистан по воспитательной работе полковник М.Ахмедов, начальник Чирчикского ВТКИУ генерал-майор К.Ахмедов, почетные аксакалы – участники войны 1941 – 1945 гг. и трудового фронта, ветераны Вооруженных Сил. Среди выступивших были ветераны Бозор Меликов, Иван Воробьев, Ася Глухова, Виктор Радыгин, Николай Мезенцев, Юрий Клементьев, а также представители местных органов власти и общественных организаций.

Прежде чем занять свое место в торжественном строю, курсанты-первокурсники выдержали нелегкий экзамен – успешно прошли тестовые испытания, продемонстрировав свое интеллектуальное и физическое совершенство. Сразу после зачисления все они выехали на полигон. Там, занимаясь строевой и физической подготовкой, изучая азы тактики и стрельбы, они еще раз утвердились в правильности выбранного пути.

Сегодня для них гремела музыка военного оркестра, полыхали всеми красками радуги букеты цветов. Сквозь слезы радости и гордости улыбались их матери, переполнились чувством гордости любимые девушки, крепкими были объятия отцов и друзей. Как чувствовали себя в этот радостный день будущие офицеры, с каким настроением произносили они священные слова Военной присяги?

– Принятие Военной присяги я считаю моим первым, самым важным шагом в будущую самостоятельную жизнь, – говорит курсант Хамдамжон Турсунов.

– С детства не только мечтал, но и готовился к намеченной цели. Надеюсь, что со временем стану настоящим профессионалом, буду стремиться внести как можно больший вклад в дело защиты независимого Узбекистана.

– За последний месяц я уже немало узнал о том, как надо обращаться с оружием и боевой техникой, – делится своими первыми впечатлениями курсант Юрий Новичков. – Я благодарен школьным учителям. Это они меня научили усердно работать над повышением уровня знаний. Военная присяга – это не только праздник, который бывает раз в жизни. Это еще и ответственное мужское слово. Я все сделаю для того, чтобы успешно окончить училище. Добросовестной учебой и службой отблагодарю всех: мою семью, учителей, нашу страну за предоставленную возможность стать курсантом Чирчикского ВТКИУ.


– Любовь к Родине, уважение к командирам, глубокая благодарность родителям и народу нашего независимого государства – вот что мы чувствовали в момент, когда выходили перед строем для принятия Военной присяги, – говорят в беседе курсанты Азизбек Исроилов и Рафаэль Зийналов. – Спасибо нашим командирам, умело обучавшим нас азам военной профессии. Здесь мы познакомились с ребятами со всех концов нашей республики. Мы учимся действовать в едином строю, понимать друг друга с полуслова. Ознакомились с техникой и оружием, которыми нам предстоит овладеть, их боевые возможности произвели на нас сильное впечатление.

Курсант Жамшид Амиров пережил эти волнующие минуты в прошлом году. Успешно пройдя срочную службу в боевом подразделении, он не раз отличался при выполнении поставленных задач, поэтому командованием части без колебаний было принято решение ходатайствовать о направлении его на учебу в Чирчикское ВТКИУ. Он прекрасно осознает, что их ожидает в войсках после выпуска из училища. Ему известна не только внешняя сторона предстоящей офицерской жизни, но и остающиеся «за кадром» напряженный труд, серьезная физическая и моральная нагрузка, нелегкие испытания и немалая ответственность. Он сегодня является первым помощником офицеров, хорошим примером для однокурсников в учебе и службе.

Что ж, сегодня они вместе штурмуют военные знания. Прозвучавшие в их адрес напутствия и пожелания надолго останутся в памяти каждого курсанта. Верность присяге поможет им глубже осознать свою личную ответственность за защиту завоеваний независимости.

Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ.







«ЁШ ЛОЧИНЛАР» ҚАСАМЁДИ

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти шахсий таркиби мамлакатимизда кенг нишонланаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллик кунини тантанали кутиб олиш билан биргаликда, ёш курсантларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимини ҳам нишонлади.

– Бугунги кун ҳаётингизда унутилмас бўлиб қолади, чунки сиз зиммангизга улкан масъулиятни олган ҳолда, Ҳарбий қасамёд қабул қилдингиз. Келгусида сиз Ҳарбий ҳаво кучларимизни ривожига муносиб ҳисса қўшадиган, авиация техникаларини аъло даражада бошқарадиган ва уларга сифатли хизмат кўрсата оладиган юқори малакали мутахассислар бўлиб етишишингиз, халқингиз, Президентингизга содиқ қолишингизга ишонаман. Ўз хизмат бурчингизни муваффақиятли адо этинг, – деди сўзга чиққан Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони генерал-майор А. Холмуҳамедов. Шунингдек, офицер Б. Ғаниев, курсантларнинг ота-оналари бухоролик 86 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Раҳмон бобо Жўраев, чирчиқлик Флора Новикова, самарқандлик Абдураим Хушанов ва бошқалар сўзга чиқишиб, қасамёд қабул қилган ёш курсантларни қутлашди.

– Ҳарбий қасамёдни юракдан ҳис эта билиш лозим, – дейди курсант Фаррух Жўраев. – Бу кун менинг ҳаётимда энг қувончли кунлардан бири бўлди, десам хато қилмайман. Негаки, мен бугун Ҳарбий қасамёд қабул қилдим. Тантанали дамларда ҳарбий бурч масъулияти, халқнинг ишончи, дўстларнинг хайрихоҳ нигоҳлари остида ўзингни юртга керакли инсон эканлигингни чуқурроқ англаб етасан, буни ҳаёт сабоқлари тасдиқлаб турибди. Биз ҳарбийлар доимо жанговар шай бўлишимиз, ҳар қандай шароитда ҳам ўз мустақиллигимизни, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда ўз ўрнимизни билишимиз зарурлиги талаб этилади. Она Ватанимизнинг тинчлиги ва барқарорлигини асраш ва ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан муҳим аҳамиятга эга.

Маросим сўнгида билим юрти ҳарбий оркестрининг, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари иштирокида спорт йўналишининг яккакураш, ҳамда ёш курсантларнинг қўл жанги бўйича тайёрлаган кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди. Шунингдек, билим юрти бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга алоҳида завқ бағишлади.

Майор Каримжон НОМОНОВ.

ҲАЁТДАГИ ЭНГ МУҲИМ ҚАДАМ

Олий ҳарбий билим юртлари биринчи курс курсантларининг Ўзбекистон халқи ва Президентига содиқлик онтини ичиш тантаналарига айнан шундай баҳо беришимиз ўринлидир, албатта. Чунки ҳақиқий ватанпарвар инсон, эр йигит учун ҳарбий қасамёд қабул қилиш куни хотирасида бир умрга муҳрланиб қоладиган воқеа эканлиги, шубҳасиз.

Мустақил юртимизнинг миллий армиясида шаклланиб келаётган янгича ҳарбий анъаналарнинг энг гўзалларидан бири – Ҳарбий қасамёдни айнан 1 сентябр, яъни Мустақиллик кунида қабул қилиниши десак, муболаға қилмаймиз. Энг азиз ва энг улуғ айёмимиз офицерликдек машаққатли касбни танлаган ўғлонлар учун қўшалоқ байрамга айланиб кетишида чуқур рамзий маъно бор. Юрт озодлиги учун жон фидо этган буюк боболаримизни ёдга оладиган муборак кунда Ватанга содиқ қолишга сўз бераётган йигитларнинг кўз ўнгида буюк ва азиз сиймолар гавдаланиб туриши уларга руҳий мадад беришмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги Махсус факультетида Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимида қатнашганимда хаёлимдан ушбу фикрлар ўтди. Фарзандларини ҳаётидаги унутилмас воқеа билан табриклаш ниятида турли вилоятлардан келган ота-оналарга мурожаат этиб, улардан илк таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадим.

– Ўғлимиз Беҳзоджон офицерлик касбини танлаганида, жуда хурсанд бўлгандим, – дейди Фарғона вилояти Бешариқ туманидан келган Илҳом ака Бегматов. – Чунки узоқ 60-йилларда ўзим ҳам Чирчиқдаги ҳарбий билим юртига кирмоқчи бўлганман, лекин омадим келмаган эди. Мана, ўғлим ниятимни руёбга чиқарди. Уни ҳарбий либосда кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида яшовчи Одина опа Исломова ўғли Аброрнинг кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаб, курсантлар орасидан жой олганидан хабар топиб, жуда севиниб кетибди. Улар турмуш ўртоғи Шавкат ака билан тўрт фарзандни вояга етказган бахтли инсонлар. Айтишларича, Абрордан кейинги ўғиллари Азамат ҳам ҳозирги вақтда муддатли ҳарбий хизматини чегара қўшинларида ўтамоқда. У ҳам ҳаётини Ватан ҳимоясига бағишлаб, шартнома бўйича хизматда қолиш ниятидадир.

Ҳурлик қуёши остида улғаяётган ўғлонларимиз орасида ҳарбий касбни отамерос сифатида давом эттираётганларининг кўплиги ҳам қувонарли ҳолат. Жумладан, резервдаги подполковник Муроджон Пайзиев ўғли Ҳусаннинг алоқачи офицер касбини танлаганини ғурур билан сўзлади. Чунки ўзи ҳам айнан ушбу касбдан нафақага чиққан. Ҳатто қизлари ҳам ТАТУда таҳсил олган Дилором – магистр даражасига етган, Фотима эса учинчи курс талабаси. Ҳа, топдингиз, Фотима ва Ҳусан – эгизаклар.

Тантанали тадбирда Ҳарбий қасамёд қабул қилганларни қутлаш учун сўз олганлар – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошқарма бошлиғи офицер Маъмуржон Мадаминов, Мудофаа вазирлиги Ҳарбий таълим бошқармаси бошлиғи офицер Жуманиёз Раматов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани бўлими бошлиғи Маҳмуд Асомов, факультет бошлиғи офицер Ҳабибулло Абулқосимов, ота-оналардан Фотима ая Акбарова ва Дилмурод ака Зикриллаевлар ўз эзгу тилакларини билдиришди. Курсантлар номидан сўз олган Рустам Назаров ва Шерзод Тожибоевлар миннатдорчилик билдирар эканлар, барчани берган қасамёдига содиқ қолишга ишонтирдилар.

Маҳаллий санъат усталари томонидан уюштирилган концерт дастури тадбирга янада файз бағишлади.

●

Шунингдек, Ҳарбий қасамёд қабул қилишга бағишланган тантаналар Тошкент олий умумқўшин билим юртида ҳам катта уюшқоқлик билан ўтказилди. Унда Қуролли Кучлар Бирлашган штабидан офицер Игорь Шокиржонов, МХХ Чегара қўшинларидан офицер Мусалим Нуритдиновлар иштирок этиб, курсантларни қизғин қутладилар.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

Возвращаясь к теме

В ГОСТИ К МАМЕ ВОИНОВ-БЛИЗНЕЦОВ

Материал «Двойной праздник семьи Пятковых», опубликованный в нашей газете 1 сентября, неожиданно для его героев получил продолжение. Маме близнецов, Юлии Владимировне, в праздничный день в торжественной обстановке был вручен Памятный знак министра обороны Республики Узбекистан за воспитание истинных патриотов нашей Родины.

Заместитель министра обороны по воспитательной работе полковник Маннобжон Ахмедов вручил награду и выразил матери военнослужащих благодарность за образцовое воспитание рядовых срочной службы Романа и Владимира Пятковых. Используя свои полномочия, он также организовал телефонный разговор, предоставив возможность солдатской матери пообщаться сначала с командиром части, а затем и с сыновьями. От такого разворота событий, стольких знаков внимания где уж было не растеряться и не радоваться им от души.

– Отправляя в редакцию газеты «Ватанпарвар» свое письмо, я рассчитывала лишь на коротенькое поздравление сыновей с днем рождения, – рассказывает Юлия Владимировна. – А потом стали звонить соседи, друзья, поздравлять с тем, что написали в газете о моих мальчиках. Теперь вот и вы приехали целой делегацией. Вот так, в один день, наша семья стала популярной. Хочется в связи с этим выразить материнскую признательность руководству Министерства обороны за проявленное к нам внимание! Ребята мои уже звонили и пожурили за это письмо, ведь они очень скромные парни. Я, конечно, согласна с ними, ведь они просто выполняют свой долг, как и тысячи их сверстников.

Наряду с руководством Министерства обороны решили проведать семью солдата и представители Общественного движения молодежи Узбекистана «Камолот», Управления по делам обороны столицы. Заведующий отделом Центрального совета «Камолота» Тухтасин Арслонов подарил маме солдат красочный экземпляр книги избранных произведений Президента Республики Узбекистан, а начальник Управления по делам обороны Ташкента полковник Бахтиер Махмудов преподнес букет цветов и праздничный торт. Не менее ценным оказался и подарок редакции газеты «Ватанпарвар» – теперь несколько экземпляров праздничного номера с материалом о братьях-близнецах Романе и Владимире Пятковых станут одной из самых дорогих семейных реликвий.

По такому торжественному случаю был тут же накрыт праздничный дастархан. За пиалой душистого чая продолжился живой, интересный разговор. Кстати, выяснилось: Роман старше брата ровно на 15 минут и любит на этом основании верховодить. Тренер по таэквон -до Виктор Хе с гордостью показал многочисленные медали и грамоты ребят, подчеркнув, что Роман с Владимиром стали «первыми ласточками» молодого наставника, ставшими призерами и победителями первенств Узбекистана не только по этому виду единоборств, но и по дзюдо. И еще один момент – Роман и Владимир ни разу не дрались в поединках друг против друга, хотя и оказывались в финальных парах. Вопрос решался просто – чемпионом становился тот, чья очередь подошла подниматься на пьедестал. Еще одно увлечение братьев – овчарка Сильва. Они мечтали стать квалифицированными кинологами.

Кстати, эта мечта вполне может претвориться в жизнь, если солдаты ко времени окончания срока срочной службы изъявят желание остаться в рядах Вооруженных Сил по контракту. Впрочем, не стоит торопить события.

31 августа 1991 года, когда Президент Республики Узбекистан торжественно огласил Декларацию о государственной независимости нашей Родины, в жизни этих ташкентских мальчишек, скромно отметивших свое пятилетие, начался совершенно иной отсчет времени. Окрыленные сознанием причастности к судьбам своей свободной Родины, Роман и Владимир все эти годы живут с огромным желанием достойно нести гордое звание гражданина суверенного Узбекистана.

Баходир УТАНОВ.
Фото
Камолиддина ТУРАЕВА.



Сержантлар тайёрлаш мактабларида

ПРОФЕССИОНАЛЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Профессионал асосга ўтиш йўлида шаклланаётган миллий армиямизда бугун сержантлар фаолиятига кенг ўрин берилган. Қуролли Кучларимиз сафларига малакали кичик командирлар етказиб бераётган сержантлар тайёрлаш мактабларининг бу жараёнда ўзига хос ўрни бор.

Куни кеча Қуролли Кучларимиз таркибидаги барча сержантлар тайёрлаш мактабларида навбатдаги битирувчиларнинг тантанали маросимлари бўлиб ўтди. Битирувчилар мактабда ҳарб санъатидан пухта сабоқ олишди, маънавий, жисмоний жиҳатдан тобланишди, миллий мустақиллик ғояларига садоқатни ўргандилар. Уларнинг барчаси юқори малакали, интеллектуал салоҳияти юксак кичик командирлар бўлиб етишишди.

Бу йилги битирувчиларнинг қалбида ўзгача ғурур, ўзгача ифтихор ҳисси жўш ураётгани табиий. Чунки улар истиқлолнинг ўн беш йиллиги кунларида жанговар сафлардаги жойларига бориб, хизматларини кўтаринки руҳда давом эттиришади.

Билим масканларида бўлган битирув шодиёналарида мактаб шаҳсий таркиби, қўмондонлик офицерлари, жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, курсантларнинг ота-оналари ва ёру дўстлари иштирок этишиб, ўғлонларни бугунги унутилмас кун билан чин қалбдан табриклашди ҳамда Ватанимиз ҳимоясида, халқимиз фаровонлиги йўлида камарбаста бўлиб, ҳормай-толмай хизмат қилишларини тиладилар.

Билдирилган самимий тилак ва йўлланган табриклар ҳар бир битирувчини руҳлантиргани, танлаган шарафли касбига нисбатан янада фахр ҳиссини кучайтиргани, жонажон ҳарбий қисмига боргач, янги куч ва ғайрат билан хизматини давом эттиришга ундаши турган гап.

– Мактабда мутахассислигимиз бўйича билим ва тажрибамизни орттирдик, – дейди Тошкент ҳарбий округи СТМни аъло баҳоларга битирган посбон Ҳусниддин Самадов. – Маълумки, давлатимиз раҳбарияти миллий армиямиз суянчи ва таянчи бўлмиш сержантлар корпусига, уларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бизга бўлган катта ғамхўрлик, эътибордан жуда хурсанд ва миннатдормиз.

Мактабда тажрибали устоз-офицерлардан мутахассисликлар бўйича сабоқ олган Ватан ҳимоячилари бор куч ва билимини жанговар шайликни оширишга, қўл остидаги посбонларга ҳарб илми сир-асрорларини ўргатишга сафарбар қиладилар. Бу борада уларга олий ҳарбий таълим тизимида жорий этилган ҳарбий педагогика ва психология фанидан олган билимлари жуда қўл келиши аниқ. Зеро, аскарлар билан ишловчи кичик командир инсон руҳияти, унинг ўзига хос томонлари ва нозик жиҳатларидан хабардор бўлмоғи лозим. Шундагина жанговар шайлик ва тайёргарликда юқори натижаларга эришиш мумкин.

Сержантлар тайёрлаш мактабларини муваффақиятли тамомлаб, жанговар сафларига қайтаётган кичик командирлар она юртимизни, халқимизни ишончли ҳимоя қилишда бор куч ва билимларини аямасликларига ишончимиз комил.

Сержантлар тайёрлаш мактабларининг битирувчиларига омадлар тилаган ҳолда хизматларида янгидан-янги ғалаба, зафар ва ютуқлар кутиб қоламиз.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ,
Ҳусниддин РАЖАБОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



ВОСТОЧНЫЙ ВОЕННЫЙ ОКРУГ

Высокими достижениями в ратном труде встретили 15-ю годовщину независимости нашей Родины воины Восточного военного округа. В учебных классах и на полигонах, на земле и в небе, в спортивных городках и на компьютерных тренажерных комплексах, в школе подготовки сержантов, на тактических учениях куется боевое мастерство личного состава. Все в соответствии с девизом этого учебного года: «Быть ответственным и компетентным, надежным защитником Родины – долг каждого военнослужащего!»

Народ и армия – едины

УВЛЕКАТЕЛЬНАЯ ВСТРЕЧА

Наглядным проявлением единства армии и народа стали встречи группы представителей общественных и государственных организаций, творческой интеллигенции страны с военнослужащими округа, организованные Общественным движением молодежи Узбекистана «Камолот» под девизом: «Ватанни севмок йимондандур!» Одна из таких встреч прошла в ШПС военного округа.

На ней перед будущими военными профессионалами выступили представитель Духовного управления мусульман Узбекистана Зайниддин Эшонкулов, главный редактор журнала «Синфдош» Азиз Саид, заместитель главного редактора газеты «Хуррият» Хаким Сатторий, представитель Комитета по делам религий Кабинета Министров Республики Узбекистан Миродил Хайдаров и молодая актриса Республиканского театра кукол Шахзода Ишмухамедова. В оживленной беседе военнослужащие получили ответы на многие интересующие их вопросы.

Гости также осмотрели расположения – спальные помещения и учебные корпуса, ознакомились с условиями проживания и обучения. На них произвели неизгладимое впечатление изменения в жизни военнослужащих, происшедшие за годы реформы Вооруженных Сил. Данная встреча была организована Наманганским областным отделением «Камолота» в рамках молодежного марафона в честь 15-й годовщины независимости нашей Родины.

Куется характер профессионалов

СПЛАВ ЗНАНИЙ И БОЕВОГО МАСТЕРСТВА

В одном из предыдущих номеров мы уже рассказывали читателям об успешном старте выпускных экзаменов в Школе подготовки сержантов Восточного военного округа. Скоро сегодняшние выпускники – младшие сержанты – начнут уже самостоятельную службу на различных должностях. Думается, что они будут уверенно вносить в ритм боевой учебы полученные знания. И все же этому предшествовали последние экзамены...

ИМ ПОКОРНЫ «СТАЛЬНЫЕ КОНИ»

Преподавателю цикла эксплуатации и вождения боевой техники капитану Алишеру Исмаилову за девять месяцев учебы курсанты стали как родные. Поэтому офицер сам не меньше их волновался на экзамене. Однако, слушая уверенный рассказ курсанта Бобомурада Турдиева, четко изложившего ответы на заданные вопросы, наставник от души порадовался за него. Есть отличная оценка!

– Отличников у нас хватает, – с гордостью показывает экзаменационную ведомость начальник цикла майор Исомиддин Сагинбаев. – Вот и курсанты Музаффар Ахмедов с Бобомурадом Турдиевым в их числе.

Отрадно, что из воинских частей округа на учебу прибыли действительно самые достойные военнослужащие по контракту, которые за девять месяцев учебы к солидному багажу своих практических навыков добавили и возросший уровень методического мастерства. Например, понаблюдав за тем, как курсант Абдусамин Одилов сопровождает свой рассказ об устройстве боевой машины десанта показом на макете, можно заранее позавидовать его будущим подчиненным. У механиков-водителей, оказавшихся под началом командира секции, не возникнет проблем с освоением материальной части вверенной техники.

МЕТКИЕ ВЫСТРЕЛЫ

На полигоне сдавали экзамен по огневой подготовке будущие заместители командиров групп, командиры секций гранатометчиков Пограничных войск СНБ. Под руководством начальника цикла вооружения и стрельбы подполковника Ахрора Эгамбердиева курсанты выполняли упражнение контрольных стрельб из стрелкового оружия со сменой огневых позиций.

Начальник учебного центра капитан Улугбек Комилов и оператор войскового стрельбища младший сержант Одил Юлчибоев буквально не отрывают глаз от поля, где передвигаются мишени, обозначающие условного противника. Экзамен и для них является строгим испытанием, выдержанным с честью – ни разу не произошло сбоя по причине неисправности подъемников или пульта управления.

Прежде чем выйти на огневой рубеж, курсанты не только получают четкие инструкции по мерам безопасности, но и подвергаются проверке теоретических знаний. Курсант Музаффар Бобожонов рассказывает об устройстве и тактико-технических характеристиках гранатомета РПГ-7 преподавателю капитану Нодиру Рахимову. А курсанты Элер Маматкулов с Умидом Мамадалиевым первыми автоматными очередями поражают мишени, по команде руководителя быстро меняют огневые позиции, а в довершение метко бросают точно в сектор учебные гранаты. Вот и бронированная цель условного противника, несмотря на довольно быстрое фланговое движение, точно прошита из гранатомета, находящегося в руках курсанта Кудрата Гаффарова.

Находящийся на вышке наблюдательного пункта представитель КОГГ офицер Шавкат Шарапов остался доволен действиями пограничников. От таких военных профессионалов не уйти ни одному нарушителю Государственной границы!


Вдохновлен успехами подчиненных и заместитель командира учебного взвода по воспитательной работе лейтенант Даврон Абдурахимов. Молодому офицеру было приятно осознавать, что есть в этом и доля его труда, ведь от хорошего психологического настроя тоже многое зависит.


ВАЖНЕЙШИЙ ФАКТОР

– Мы постоянно поддерживаем связь с командованием воинских частей округа, где продолжают службу наши выпускники, – рассказывает начальник школы подполковник Олимжон Занжиров. – Исходя из их замечаний и предложений, корректируем учебные программы, ведь учеба не должна быть оторванной от реальной служебно-боевой деятельности частей и подразделений округа.

Выяснилось, что вышестоящим командованием проявлена забота о кадровом укреплении данного учебного заведения. Не так давно сюда назначен и ряд опытных офицеров.

Одним словом, у данного учебного заведения наметились довольно хорошие перспективы для дальнейшего продвижения вперед.






С полей тактических учений

БАТАЛЬОН НЕ ПРОСИТ ОГНЯ...

Показательные батальонные тактические учения (БТУ) с боевой стрельбой, проведенные в округе согласно плану боевой учебы войск Министерства обороны, показали высокий уровень боевой выучки офицеров и военнослужащих по контракту, умение подразделений хорошо ориентироваться в быстро меняющейся обстановке учебного боя. Личный состав мотострелкового батальона успешно выполнил поставленную задачу – остановил превосходящие силы условного противника до подхода «основных сил».



СОГЛАСНО ТРЕБОВАНИЯМ ДОКУМЕНТОВ

Накануне была проведена большая подготовительная работа для того, чтобы все учебные места были оборудованы согласно требованиям руководящих документов. Офицеры аппарата управления военного округа детально и внимательно проверяли учебные места, оказывая необходимую методическую помощь.

Поэтому офицеру Махмуду Мирзаеву, руководившему занятием на первом учебном месте, пришлось нетрудно – вся нормативная база по правилам проведения батальонного тактического учения находилась у него под рукой, для ответов на вопросы командиров частей и подразделений достаточно было найти на стенде нужное место и направить на него указку.

Вот и с наглядной демонстрацией все обстояло прекрасно. И в помещении оперативного дежурного по части, куда поступил сигнал учебной тревоги, действия дежурной смены были показаны вполне образцово.

Прибывшие на показательные учения командиры частей округа также увидели порядок действий в спальном помещении мотострелкового батальона после подъема по тревоге, а также убытия в район предназначения.

ИСПЫТАНИЕ МАРШЕМ

Получив оружие и боеприпасы, мотострелковый батальон выдвинулся в район предназначения. Согласно сценарию учений требовалось прибыть туда с опережением условного противника, имеющего, по данным разведки, превосходство в живой силе и вооружении. Преимуществом батальона было то, что замысел противника был известен заранее, а значит, имелось время для организации обороны.

Однако трудности с выполнением поставленной задачи начались еще на марше, когда уже в парке боевых машин поступила первая вводная задача – одна из БРДМ вышла из строя по причине «неисправности» двигателя. Офицеры из управления округа, проверявшие правильность технического замыкания колонны, выделили для устранения «неполадок» группу опытных ремонтников и продолжали движение вслед за колонной. И тут где-то в середине пути случилась реальная неприятность. Вышел из строя бронетранспортер. Произошел перегрев двигателя в связи с обрывом ременной передачи в системе охлаждения.

Следует отметить, что все же эти непростые испытания не ввергли в уныние механиков-водителей и специалистов из ремонтно-восстановительной службы. Проявив воинскую смекалку и мастерство, общими усилиями они возвратили в строй боевые машины.

Таким образом, уже на старте учения мотострелковый батальон успешно справился с вводными задачами.

САПЕРЫ – НА ВЫСОТЕ

Приданный для укрепления батальона инженерно-саперный взвод капитана Набижона Джурабаева со своей задачей справился просто блестяще. В указанном районе, где предполагалось дать бой условному противнику, были подготовлены окопы для личного состава и боевых машин. Эту работу отлично выполнил старший механик землеройной машины младший сержант Мирзохид Нурматов.

Военному профессионалу не впервой заниматься вопросами инженерного оборудования огневых позиций, да и дело свое он знает превосходно. Об этом наглядно свидетельствует и награждение его Памятным знаком министра обороны за образцовое обслуживание вверенной техники.

Место для отражения нападения условного противника было выбрано по-военному грамотно, с учетом всех плюсов рельефа местности. Искусство саперов в маскировке было также на высоте. Своевременно выставленные ночные посты и «секреты» обеспечили охрану батальона от внезапного нападения «противника».

...И ГРЯНУЛ БОЙ!

В обусловленное время от руководителя БТУ поступает боевое распоряжение остановить движение условного противника, проникшего через Государственную границу и наступающего силами до пехотной бригады в направлении рубежа обороны батальона. Согласно данному боевому распоряжению командир батальона принимает решение.

Вскоре от группы разведчиков, возглавляемых лейтенантом Зохиджоном Эшмуродовым, выставленных в боевое охранение, следует доклад о продвижении «противника». Получив команду, разведчики не вступили в бой, скрытно отступив. В бой вступили мотострелковые взводы старшего лейтенанта Улугмурода Умирова и лейтенанта Муроджона Тешабаева.

Для солдат срочной службы, этой весной призванных в ряды Вооруженных Сил, эти БТУ стали первым серьезным испытанием на воинскую зрелость. И очень отрадно, что благодаря качественно проведенной работе по морально-психологической подготовке молодежь действовала в учебном бою уверенно. Стоило лишь появиться первым мишеням, обозначающим группу пехоты «противника», как прозвучали меткие очереди пулеметчика рядового Уйгуна Болтаева. С появлением легких бронированных целей к боевой работе подключился наводчик-оператор БТР младший сержант Равшан Умаров. Выстрелы из крупнокалиберного пулемета достигали цели. Снайпер взвода младший сержант Хуснитдин Гозиев уничтожил все одиночные цели, а дружная стрельба автоматчиков привела к тому, что первая атака условного противника была успешно отбита.

Вести огонь по залегшему «противнику» не имело смысла, поэтому теперь задача по дальнейшему его уничтожению перешла к личному составу минометной батареи под командованием старшего лейтенанта Элера Курбанова. Если окопы и естественные складки местности помогали наступавшим укрываться от прямого огня стрелкового оружия, то навесной огонь минометчиков стал для них неприятным сюрпризом. Одним словом, стреляли минометчики так метко, что условному противнику пришлось нести еще большие потери. Прибывший на КНП батареи командир батальона высоко оценил эффективность огневой поддержки данного подразделения. Однако «противник», подавленный столь мощным и согласованным огневым отпором, не отказался от своего намерения прорваться именно на этом участке, запросив помощь авиации.

Это был кульминационный момент учебного боя. Появление в небе вертолетов должно было сломить мужество обороняющихся мотострелковых взводов, но тут вовремя вступила в бой зенитно-артиллерийская батарея капитана Ашрафа Мейлиева. Наблюдавший за стрельбой зенитчиков офицер Илес Шерматов остался доволен действиями подразделения. В отражении воздушной атаки условного противника отлично отработали все огневые расчеты, но при подведении итогов был отмечен тот, где командиром установки рядовой по контракту Журабек Маматмуродов, быстрее товарищей принимавший указания целей и более оперативно реагировавший на все изменения обстановки.

А тем временем автоматным и пулеметным огнем был довершен разгром остатков живой силы условного противника, вновь поднявшегося в атаку под прикрытием винтокрылых машин. В этом дружном «хоре» стрельбы свою «партию» умело исполнил и пулеметчик рядовой Жахонгир Содиков. Парню из небольшого городка Денау, что в Сурхандарьинской области, эта победа в учебном бою запомнится на всю жизнь. Ведь она посвящалась 15-летию независимости нашей Родины.

Батальон не просил огня в качестве помощи, а справился сам с поставленной задачей, установив «стену» шквального и разящего огня. Нет сомнений, что воины с честью выполнят любую поставленную учебно-боевую задачу. Свободный Узбекистан всегда сумеет за себя постоять, ведь у него есть такие надежные парни.

Молодые офицеры – будущее Вооруженных Сил

ДОСТОЙНЫЙ ИМЕНИ ВЕЛИКОГО ПРЕДКА

Когда в семье жителей пограничного города Термеза Олимжона и Ларисы Мансуровых родился сын, родители назвали его Тимуром. Однако они и не предполагали, насколько пророческими станут их мечты видеть в сыне достойного наследника славы великого Сахибкирана Амира Темура. В эти дни лейтенант Тимур Мансуров является одним из тех офицеров-зенитчиков, которые подают большие надежды.

Лейтенант Тимур Мансуров совсем недавно начал самостоятельную офицерскую службу. Ему выпала честь начать ее в Восточном военном округе.

«Старательный, хорошо подготовленный, постоянно работающий над собой офицер», – так сдержанно охарактеризовал начальника расчета командир батареи капитан Ринат Кудашев. Пристально присматриваются к новому члену коллектива и сослуживцы. Прежде всего благодаря личному примеру, грамотной работе со сложной техникой и вооружением, упорству и трудолюбию, внимательному изучению деловых качеств подчиненных лейтенант Мансуров в столь короткий срок зарекомендовал себя с положительной стороны.

Операторы боевых машин братья-близнецы рядовые Хасан и Хусан Аллакуловы этой осенью готовятся к увольнению в резерв. Парням очень хочется увезти с собой домой, в Нишанский район Кашкадарьинской области, Рекомендации воинской части на льготное поступление в высшие учебные заведения. И лейтенант Т.Мансуров всей душой поддерживает честолюбивые устремления солдат. Если его подчиненные мечтают стать дипломированными специалистами и строить светлое будущее Родины, то это прекрасно, считает офицер.



Материалы полосы подготовили корреспонденты «Ватанпарвара» майор Аблай КАМАЛОВ и Камолиддин ТУРАЕВ (фото).

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

15

БУНЁДКОРЛИК РУҲИ БИЛАН ЯШАБ

Бу вилоят Х асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда энг кўп шаҳарли, аниқроғи, қирққа яқин шаҳарлари бор ўлка ҳисобланган. Араб географлари Истахрий, Муқаддасийлар ана шундай ёзиб қолдиришган. Милоддан аввалги биринчи асрда, милоднинг биринчи асрларида бу ҳудуд Қанғ деган давлат таркибига кирган. «Ҳудуд ал-олам» китобида «Чоч – бу катта вилоят, халқи жанговар ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади», дейилган. Гап Тошкент вилояти хусусида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Ҳа, Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси ана шундайин улкан тарихга, бой маданият ва маънавиятга эга. Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса пойтахт вилояти ҳам қайта чирой очди. Истиқлолнинг 15 йиллик одими залворини Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриб ўтиш мумкин.



Тарихга қизиқувчилар учун яна бироз маълумот берадиган бўлсак, вилоятнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Оҳангарон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Қанқа бўлган. Ҳатто қалъа ва майда шаҳарчалари кўплиги сабабли қадимда Шошни минг қалъали давлат ҳам дейишган. Ҳа, боболаримиз қалъалар қуришган, шаҳарлар барпо этишган, бунёдкорлик руҳи билан ёниб яшашган. Бежиз тошда ҳам гул ундирадиган халқ эмасмиз-да.

Вилоят ҳудудида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу ердан карвон йўллари ўтиб, шу туфайли ҳам воҳа ривож топган. Икки машҳур карвон йўлининг биринчиси Сирдарё, Бинкат, Харашкат, Худойкат орқали, иккинчиси бироз шимолроқдан – Чинозкат, Шутуркат, Дафниганкат, Исфижоб орқали ўтган.

IX – X асрлардаёқ кончилик ишлари, металл эритиш, кулолчилик ва тўқимачиликнинг ривожлангани маҳаллий аҳолининг юксак маданиятга эгалигини кўрсатувчи омиллардан биридир. Вилоят ҳунармандлари томонидан ясалган ҳунармандчилик ва заргарлик буюмлари, қурол-аслаҳалар бутун Шарқда машҳур бўлган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида воҳа янада тараққий этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тошкент республикамизнинг саноати юксак даражада ривожланган вилоятларидан бири ҳисобланишида тадрижий уйғунликни кўрамиз. Маълумотларга кўра, вилоят республика саноат маҳсулотининг 20 фоизини, электр энергиясининг 45 фоизини, кўмирнинг 98 фоизини, цементнинг 43 фоизини, рангли металларнинг асосий қисмини ишлаб чиқаради. Биргина 2005 йилнинг ўзида 308 та саноат ишлаб чиқариши ташкил этилганы, уларнинг 16 таси хорижий сармоя асосида фаолият юритаётганини фахр, ғурур билан сўзлай масдан бўлармиди! Ёки бўлмаса, вилоятда ҳозирда жами 1737 та саноат корхонаси мавжудлиги қувонарли эмасми?! Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, Бекобод металлургия комбинати, «Аммофос», «Электрокимёсаноат», «Ўзбекрезинотехника» каби корхоналар маҳсулоти жаҳон бозорида ҳам эътирофга сазовор бўлгани, ҳатто олтин медаллар билан тақдирлангани вилоятнинг улкан салоҳиятга эгалигидан далолат эмасми?!

Шу ўринда истиқлол меваси бўлган, нафақат вилоятда, балки республикамизда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланувчи айрим қўшма корхоналарни санаб ўтсак. Жанубий Корея билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган «Кабул-Ўзбек», Чехия билан ҳамкорликдаги «Кенаф», Буюк Британия билан ҳамкорликдаги «Конмит», Германия билан ҳамкорликдаги «Кибо» корхоналари шулар сирасидан.

Вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизими шаклланиб бормоқда. Биргина 2000 йил мисолида олиб қараладиган бўлса, пойтахт вилоятининг 45 нафар ўқувчиси «Умид» жамғармаси орқали хорижий мамлакатлардаги нуфузли олий ўқув юртларига жўнатилганини кўриш мумкин.

1998 – 2003 йиллар давомида 29 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей фойдаланишга топширилгани дастур ижросига бўлган улкан эътибордандир. Айни пайтда касб-ҳунар коллежларининг ўзи 73 тага етгани эса таълим соҳасидаги ислоҳотлар самарасидан сўзлайди.

Президентимиз воҳа ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деган эди: **«Тошкент вилояти деганда, кўз олдимизга Чотқол, Угом, Чимён каби тоғлари, серҳосил далалари, улкан саноат корхоналари, замонавий шаҳарлари, файзли қишлоқлари, сўлим боғ-роғлари бўлган гўзал бир воҳа намоён бўлади».** Биргина Оҳангаронни олайлик. Бу ердан оқиб ўтувчи Ҳожибаланд ва Хонариқ анҳорлари шаҳарга файз-тароват бағишлаб турибди. Бўстонлиқни «Ўзбекистоннинг Швейцарияси», дейишганда, табиийки, унинг сўлим, гўзал ва бетакрор табиатига нисбат берилган. Дарвоқе, Оҳангаронда ҳозирда 7 та қўшма корхона фаолият юритаётганини таъкидлаб ўтсак, арзийди. Металлурглар шаҳри дея эътироф этилувчи Бекободни олайлик. Бугун бу ерда 4 та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ортда қолган ярим йилнинг ўзида 63 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олингани ҳам кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги кунда аҳолининг 87 фоизи табиий газ, 94 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Вилоят ҳудудида ўндан зиёд илмий текшириш институти, тадқиқот марказлари қишлоқ хўжалиги муаммолари билан шуғулланиб келмоқда. Ўсимликлар генетикаси, шоликорлик, картошка ва сабзавотчилик, пахтачиликка ихтисослашган ана шундай илмий тадқиқот институтларини фахр билан тилга олиш мумкин. Бу вилоятнинг халқ хўжалиги соҳасидаги янгилик ва ихтироларни синаб кўрадиган ўзига хос тажриба майдони эканидан далолат.

Ислоҳотлар жараёни шуни кўрсатмоқдаки, вилоятнинг мард, танти халқи ўзининг ташаббускорликлари, тадбиркорликлари туфайли мўъжизалар яратишга-да қодир эканлигини исботлашаётир. Истиқлол сабаб улар қалбларида янада шакллана бораётган яратувчанлик, бунёдкорлик руҳи ҳали кўп-кўп янгиланишларга, ўзгаришларга олиб келажак.

Майор Алижон САФАРОВ.

Шукрона

ИСТИҚЛОЛИМ – ИСТИҚБОЛИМ

Истиқлол сўзини она, Ватан, нон, Қуръон, эрк, иймон, виждон, истиқбол, эркинлик, мустақиллик, миллийлик сўзлари билан бирга ишлата бошлаганимизга ҳам 15 йил бўлибди.

Хўш, Истиқлол нима? Бу миллатнинг ҳурлиги, озодлиги, мустақиллиги ва ўзлигини англаши, яъни миллий тараққиёт йўли, демакдир.

Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганига тарих нуқтаи назаридан қараганда унча кўп вақт ўтгани йўқ. Шоир айтганидек:

Тарих чун ўн беш йил гўё бир нафас,
Асрий ютуқларда Истиқлол руҳи,
Бу ҳаёт ҳақиқий – афсона эмас,
Дилларда жўш урар иқбол шукуҳи.

Аммо шу қисқа фурсат ичида биз кўп ютуқларга эришдик. Аввало, Ўзбекистон деган давлатни дунё таниди. Бугун жаҳоннинг ривожланган давлатлари биз билан тенгматенг сиёсий ва иқтисодий муносабатларни амалга ошираётир – бунга Россия, Англия, Германия, Франция, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва бошқа ўнлаб мамлакат раҳбарларининг Ўзбекистонга сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун ташриф буюрганлари мисол бўла олади.

Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига, маънавий-маърифий, маданий, илмий юксалишга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Булардан энг муҳими, мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларнинг тинчлиги, осойишталиги, эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланганлигидир.

Истиқлол берган ҳақ-ҳуқуқ, имкониятлардан бири – ёшларимизнинг жаҳон андозалари даражасида илм олишлари учун барча таълим муассасаларида етарли шарт-шароитлар яратилди.

Юзлаб ёшларимиз жаҳоннинг энг нуфузли олийгоҳларида таълим олиб, ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида муносиб хизмат қилмоқдалар. Шоир айтганидек:

Истиқлолдир ифтихоринг,
Бахту омад сенга ёр,
Сенда кўрку, нурли иқбол, тоза виждон барқарор.
Халқинг озод, бағринг обод, бани инсон бахтиёр,
Тили поку, эли поку кишвари поким яша!

Мустақиллик туфайли ўз миллий байроғимиз, ўз давлат нишонимиз, ўз мадҳиямизга эга бўлдик.

Ўзбекистон байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида чет эллардаги элчихоналаримиз пештоқида, ҳар бир шаҳару қишлоғимизда мағрур ҳилпирамоқда. Мадҳиямиз – Истиқлол берган муборак қўшиғимиздир, энди уйқудан бошқа миллатга салом бериб эмас – Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт нажот, дея уйғонамиз.

Истиқлол берган ҳақиқий эркинлик, ҳурлик учун, ўзбеклигингни билганинг учун қалбинг фахр-ифтихорга тўлиб яшасанг, арзийди.

Истиқлол туфайли эрксевар инсон бахтномаси, деб аталган ўз Конституциямизга, аждодларимиз орзу-умидлари, эзгу-ниятларидан ясалган гулдаста – ҳаёт қонунимизга эга бўлдик.

Истиқлолу истиқбол. Бу иккала сўз бир-бирига қофиядош, жарангдор бўлиши билан бирга порлоқ келажак, асрий орзу-умидлар унда мужассамдир. Истиқлол муборак, истиқболимиз янада порлоқ бўлсин, азиз юртдошлар!

Маҳмуджон ҚУРБОН,
меҳнат фахрийси.



ЮРАКДАГИ ЖАВОҲИР

Дунёда шундай бир буюк сўз борки, у инсон юрагида илоҳий нур каби доим ёлқинланиб туради, атрофга зиё таратиб танга қувват, руҳга роҳат, одам ҳаётига бир умр фароғат бағишлайди. Бу «Ватан» сўзидир.

Ватан кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Биз учун ҳаво, қуёш, сув, ота-она қанчалик азиз ва муқаддас бўлса, Ватан ҳам шунчалик мўътабардир. Ватанга бўлган муҳаббат инсон қалбидаги энг нозик туйғу. У ҳар бир кишининг ўз уйига, туғилиб ўсган гўшасига, энг яқин кишилари, ота-оналари, ака-ука, опа-сингилларига бўлган муносабатида акс этади. У инсоннинг киндик қони тўкилган тупроғи, камол топган табаррук масканидир. Ватан кишида юксак эътиқод, иймон, маънавият каби энг улуғ туйғуларни жунбушга келтирадиган маъводир.

Ҳар бир кишининг Ватани, яъни туғилиб ўсган жойи бўлади. Ҳар бир киши ўз Ватанида камол топади, қадрланади. Биз ўзимиз яшаётган гўзал, ҳур диёрни, Ўзбекистонни она Ватан деб баралла айта оламиз. Чунки у бизники.

Дунёда ватанлар кўп, гулистонлар кўп, боғу бўстонлар кўп, лекин биз учун бошқа Ўзбекистон йўқ. Дунёда она битта, Ватан битта бўлади, бу тушунча ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Нон доим тансиқ бўлганидек, бу сўзлар ҳар қанча такрорланса ҳам қиммати пасаймайди, иккиси ҳам ягона дилда жо бўлган бебаҳо дурдонадир.

Ватанга муҳаббат туйғуси илоҳий неъмат, шунинг учун ҳам у ҳар бир одам учун азиз ва муқаддасдир. Ватан остонадан бошланади. Бу сўз бежизга айтилмаган, бу сўз замирида қанчадан-қанча маъно яширин. Ватан дегани бу – оила! Ватан дегани бу – миллат! Ватан дегани – она тупроқ! Ватан ҳар бир инсон дилига орому роҳат бахш этувчи куч, қушлар, шаршаралар, майсаю гиёҳларнинг куй-навосидир.

Ватан боғу тоғи, чўлу биёбони, осмондаги юлдузлари, ойи ва қуёши, булутлари, шамоллари билан гўзалдир. Ватан туйғуси она сути билан қонга киради. Бу азиз туйғуни она алласи парвариш этади, вояга етказади. Ана шу алла навоси остида ўзлигимизни, ўзбеклигимизни англаб етамиз. Шунинг учун ҳам биз Ватанни энг суюкли зотга нисбат бериб «Она Ватан», деймиз. Ватан туйғуси бу азиз ва лазиз, гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш ва унга ҳамиша чин фарзанд бўлиш демакдир. Ватан энг аввало борлиқ, замин билан ўзаро боғлиқ бўлгани учун, киши онгида аниқ тасвир, қиёфа, сиймолар тарзида шаклланади. Ватан ҳар доим ўз фарзандларига меҳрибон. У ҳар биримиздан меҳр-оқибат, яхшилик кутади.

Ватанни, унинг муқаддас тупроғини асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ёш авлод қўлида. Биз мана шу муқаддас тупроққа ёвуз ниятли кимсалар қадам қўймасликлари, ғаразли мақсадларини амалга оширмасликлари учун доим ҳушёр, огоҳ бўлишимиз керак. Биз азиз Ватанимиз – мустақил Ўзбекистоннинг келажагимиз. Шунинг учун ҳам яхши билим олиб, ўқиб-ўрганиб, гўзал юртимизнинг янада равнақ топиши, тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшишимиз, доимо изланишимиз зарур.

Ҳа, истиқлол туфайли биз ўзлигимизга қайтдик. Ўз Ватанимизни янгидан кашф этдик. Унга бўлган меҳримиз, муҳаббатимиз йил сайин кучаймоқда. Биз муқаддас Ўзбекистонимизни жонимиздан азиз кўрамиз. Зеро, озод, ҳур Ватан – юрагимиздаги жавоҳирдир.

Яйрахон ПЎЛАТОВА.

ВАТАН ТУЙҒУСИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

«Ватанни қадрламоқ, унинг қора тупроғини кўзларга суртмоқ ҳар кимга ҳам насиб этсин. Мен абад шу юрт тупроғида қолишни истайман. Чунки фарзандиму невараларим бахтини, камолини шу юртда кўрдим». Раҳматли бувимнинг ушбу сўзлари ҳануз ёдимда. Бувим гўзал Қримда туғилиб ўсган, Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида ёлғизгина фарзандлари – онажоним ва укалари билан Ўзбекистонга келиб қолган эдилар. Қондошлари ўз ватанларига қайтиб кетишаётганида, бувижонимни олиб кетишга қанчалик уринмасинлар, улар Ўзбекистонни тарк этишни хоҳламадилар. Қизларини ўзбек йигитига турмушга бериб, ўз бағридан жой берган қўли очиқ, меҳмондўст ўзбек халқини умрларининг охиригача алқаб ўтдилар. Мен бежиз сўзимни бувижонимни эслаб бошламадим. Зеро, Ватанни севмоқ, миллатни севиш демакдир. Миллий ғурур қанчалик юқори бўлса, у шунчалик умуминсонийликни касб этади. Ягона Ватан ҳисси инсон қалбида табиий равишда туғилади. Инсон вояга етган сари ўзини, ўзлигини англай боради. Қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксалади. «Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртига муҳаббати ҳам шу қадар чексиз бўлади», деган эди Президентимиз Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкурамизда ягона Ватан, Ватанга муҳаббат, содиқлик, ватанпарварлик ғоялари илгари сурилади. Ягона Ватан ғояси юртимиз заминида келажаги буюк, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият барпо этиш учун халқимизни жипслаштириш, уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этишни, шунингдек, миллий мустақиллигимизга хавф солаётган мафкуравий таҳдидларга зарба бера оладиган баркамол авлод тарбиясини кўзда тутса, она Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик ғоялари миллий қадриятларимизнинг тикланишида, биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар ва анъаналарга алоҳида эътибор берилаётганида, фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, Ўзбекистонда бир тану жон бўлиб яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг шу уйнб ўсган юртга бераётган меҳрида акс этади.

«Ватанни севмоқ иймондандур», дейилади Ҳадиси Шарифда. Турли даврларда фозиллар Ватанни улуғлашар экан, фақатгина қалбида Ватан туйғусини олий қадрият деб билган, туғилиб ўсган юрти, халқи, унинг маърифий ва маданий равнақи учун хизмат қилган инсонларни ватанпарвар деб аташган. Шу ўринда Комил Хоразмийнинг сўзлари ёдга келади:

Ниҳон эт ўзни Ватан кофи ичра аниқодек,
Сенга йўқ бўлса мурод иштиҳор ғурбат аро.
Ватанда сокин ўлуб, сайр эт олами боло,
Сафарни айламагил ихтиёр ғурбат аро.

Тупроқ – Ватан. Замин тупроғи минг йиллардан буён буюк фарзандларини ўз қучоғида ором олдираётган мушфиқ она сингари. Шунинг учун ҳам биз уни она Ватан деймиз. Шу сабабли ҳам ҳазрати Аҳмад Яссавий:

Бошим туфроқ, ўзим туфроқ,
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ,

– дейди ва одамларни Ватан билан уйғунлашишга чорлайди. Зеро, Ватанида инсон улуғланади, эҳнинг ҳурматига сазовор бўлади.

Ватан туйғусини ўсиб келаётган ёш авлодга сингдириш нафақат таълим муассасаларидан, балки оиладан бошланади. Халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, фарзандларини эл-юрт корига ярайдиган оқил, саховатпеша одамлар этиб тарбиялаш ҳар бир ота-она зиммасида турган улкан вазифадир.

Наргис СУННАТ қизи.

Унутилмас кунлар

ГАРДЛАРИ КЎЗГА ТЎТИЁ

Тарих учун ўн беш йил бир лаҳзадек вақт. Лекин лаҳзалар бўладики, у асрларга татигулликдир. Ўзбекистон Республикаси Мустақил деб эълон қилинганда, мен Афғонистон Ислом Республикасининг Мозори Шариф шаҳрида эдим. Мен билан бирга шўро шаҳарчаси ҳудудида рус, украин, белорус, грузин, арман, молдаван, озарбойжон, қозоқ, туркман каби миллат вакиллари яшаб, ишлардилар. «Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлди», деган хабарни оммавий ахборот воситалари орқали араб, форс, инглиз, рус ва дунёнинг бошқа тилларида эшитиб, ниҳоятда таъсирландим ва хурсанд бўлдим. Бирга ишлайдиган мутахассис дўстларим бу хушхабар билан мени муборакбод этишди. Афғонистонда яшаётган ватандошларимиз узоқ ва яқин миттақалардан телефон қилишиб, мени ва мен орқали бутун ўзбек халқини Мустақиллик куни ва байрами билан самимий табриклашди.

Мен Мозори Шариф шаҳридан Ҳайратон бандаргоҳи орқали уйимизга келдим. Шаҳарчамиз Жайҳун дарёси соҳилида жойлашган. Уйимиз деразалари Амударё томонга қараб очилади. Бу сафар ҳар галгидан кўра, деразаларни очиб, кумушдек товланиб оқаётган дарё ортидаги Ўзбекистонимизнинг поёни йўқ ҳудудларига ажиб меҳр ва ифтихор билан назар солдим. Юрагим кўкрак қафасимга сиғмаётгандек потирлаб, хаёл дарёсига ғарқ бўлиб турганимда эшик тақиллади. Қарасам, ҳайратонлик ватандошларимиз гуллар кўтариб, мени истиқлол байрами билан қутлаб, уйимни гулларга, кўнглимни шодликка тўлдириб юбордилар.

Эртаси куни шаҳарчада истиқомат қиладиган мутахассислар билан маслаҳатлашиб, бу улуғ ва унутилмас кун – Мустақиллик байрамини нишонлаш мақсадида чиройли дастурхон ёзиб, Ҳайратон ва Мозори Шарифда яшаётган ватандошларимизни таклиф этдик. Бу кун ҳақиқий байрамга айланди. Бир пиёла чой устида ташриф буюришган азиз биродарларимиз билан ширин суҳбатлар қурдик.

Ватандошларимиздан бири Сайдуллохон ота билан бўлган суҳбат хотирамда муҳрланиб қолди. Тақдир тақозоси билан иқлилоб йилларида Ўзбекистондан Амударё орқали Афғонистонга келиб қолган, уй-жой, болачақали бўлиб, шу ерда қолиб кетганлар. У киши ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиб берди.

– Бухоройи Шарифга шўро босқинчилари бостириб киргач, маҳаллий халқ хонавайрон бўлиб, ҳар тарафга тарқала бошлади. Биз оила аъзоларимиз билан Афғонистонга келдик.

Ота-онамнинг ҳоки шу ерда, уларни Ватанидан олисга дафн этишга тўғри келди. Бизлар шу ерда уйғайиб, оилали бўлдик. Афғонистонда ҳам тинчлик ва барқарорлик бўлмагач, бир тоғам Покистонга, иккинчиси эса Арабистонга кетиб қолишди. Мен ота-боболарим юрти бўлмиш Термиздан узоқлаштим келмади. Ҳайратон бандаргоҳида қолиб кетдим.

Отахоннинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Кейин чўнтагидан сарғайиб кетган бир парча қоғозни чиқариб, менга узатдилар. Титилиб кетган қоғозни қўлимга олиб, босма ҳарфлар билан битилган «Узбекская ССР, Сурхандарьинская область. Термез. Октябрьская переулок дом № 9 Инсапов Бури» деган ёзувни ўқидим.

– Бўри Инсопов сизга ким бўлади? – деб сўрадим отахондан.

– Жиянim бўлади. Улар асли шерободлик, – деди оҳиста бобо.

Шундан кейин отага Термиздан эканлигимни айтдим. Насиб қилса, Термизга борганимда, албатта, жиянингизни топиб, улардан хат-хабар олиб келаман, деб у кишини хурсанд қилдим.

Отахон хурсанд бўлиб қолди.

– Худога беадад шукурлар бўлсин, Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Энди мамлакатларимиз сарҳадлари очилиб, борди-келди қиламиз, иншоаллоҳ. Қани йди, мени ҳам шу доруломон кунларга Оллоҳ мушарраф этса! Менинг бирдан-бир орзу-ниятим Жайҳун дарёсидан ўтиб, ота-боболаримиз юрти – Ўзбекистон тупроғини тавоф қилсам, унинг гардларини кўзларимга тўтиёдек сурсам, кейин ўлсам ҳам армоним қолмасди, – деди хайрлашаётиб.

Бола онасига талпинганидек, отахоннинг Ватанга талпиниши, юракдан сизиб чиқаётган гапларини тинглаб, юрагим титраб кетди. Ўшанда мен Ватан соғинчи, Ватан сўзининг асл моҳиятини янада чуқурроқ англадим. Мустақил Ўзбекистонни асраб-авайлашни, ҳимоя қилишни, керак бўлса, Ватан учун азиз жонимни фидо қилишни дилимга жо қилдим.

Отахонга берган ваъдамни бажардим. Термизга бориб сўраб-суриштириб Бўри Инсоповни топдим. У киши Термиз давлат университетида кафедра мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент эканлар. Бўри Инсопов тоғаларига ёзган хат, суврат ва совға-саломларни Ҳайратонга олиб келдим. Сайдуллохон отанинг ўғли Жўрахўжанинг уйини излаб топдим. Отахонга Термизга бориб, жиянлари Бўрибойни топганимни ва улардан хат-хабар, совға-саломлар олиб келганимни айтдим ва шошиб қўлларига топширдим. Отахон хатни олиб, кўзларига сурдилар. Юраклари шошиб, кўзлари намланди. Илтимосига биноан хатни ўқиб бердим. Кейин Бўрибойнинг сувратини биринчи бор кўраётган Сайдуллохон ота йиғлаб юбордилар. Бу манзарани сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Шундан кейин Сайдуллохон бобо Ҳайратондаги уйимга келиб турадиган бўлдилар. Мен ҳам вақти-вақти билан у кишининг ҳолларидан хабар олиб турдим. Ўртамиздаги меҳр-оқибат кучайиб, илдиз ота бошлади.

Биз Бўри ака билан Сайдуллохон бобони хурсанд қилиш мақсадида у кишини Термизга даъват қилиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлай бошладик, аммо ҳужжатлар тахт бўлган бир пайтда Афғонистонда вазият кескинлашди. Ватандошимиз Сайдуллохон бобо бир умр орзу қилиб келган умидлари амалга ошсин ва киндик қони тўкилган Ўзбекистонни зиёрат қилиш насиб қилсин, дейман. Ҳеч бир инсон ўз Ватанидан айрилмасин.

Болта Ҳожи АБДУРАЗЗОҚ ўғли,
Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлари фахрийси.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

САФАРЛАР БЕХАТАРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ

Шарқий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида бўлганимизда, мазкур жамоада ҳаракат хавфсизлиги масалаларига ҳам қўмондонлик томонидан катта эътибор қаратилиши гувоҳи бўлдик. Сафарлар бехатарлигини таъминлашга малакали мутахассислар жалб этилиб, барча чоралар кўрилмоқда.

Маълумки, жанговар машиналар парки бўйича навбатчиларни тайинлашда ҳам номзодлар тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ўқув жараёнини таъминлаш гуруҳи йўриқчиси кичик сержант Иброҳим Каримов айнан шундай малакали ҳарбий профессионаллардан биридир. У округ сержантлар тайёрлаш мактабида билим ва кўникмаларини орттириб, ўз хизматини давом эттирган. Ундан сўнг уч йил ўтгач, Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида яна ўқиб қайтди.

Тўпланган бой тажриба ўз самарасини бермоқда. Парк бўйича навбатчи сифатида ҳар бир машинани рейсга чиқишдан аввал кўрикдан ўтказаётиб, кичик сержант И.Каримов техниканинг бошқарув тизимини бир бошдан синчковлик билан текшириб чиқади. Қандайдир носозликни илғаса, у бартараф этилмасдан сафарга чиқармайди. Машинани махсус мосламага чиқариб, қудратли техниканинг юриш қисмини текширгач, тўла ишонч ҳосил қилганидан сўнг йўл варақасига имзо чекади.

Ана шундай масъулиятли посбонлар ҳушёрлиги натижасида кўпгина кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга эришилмоқда. Бўлинмада ёнилғи ресурсларини тежаш каби муҳим масалада ҳам ҳайдовчилар орасида қизғин мусобақа олиб борилмоқда. Бу борада илғор ҳайдовчилардан бири кичик сержант Анвар Баҳромов сафдошларига ўрнак бўлмоқда. Унинг бошқаруви остидаги «УАЗ» русумли енгил машина ёнилғини кўп сарфлайдиганлардан бири ҳисобланади. Тажрибали ҳайдовчи, шунга қарамасдан, ҳар бир рейсдан қайтганида ёнилғини янча тежашга эришгани тасдиқланади. Техникани созлашда, доимо шай ҳолатда сақлашда ҳам Анвар Баҳромов сафдош ўртоқларига ўрнак кўрсатмоқда.

Паркдаги мавжуд техниканинг шайлиги юқори даражада бўлишини таъминлашда яна бир муҳим омиллардан бири – рейсларда қандайдир носозлик ҳолати рўй берса, ҳар бир шундай вазият албатта чуқур ўрганиб чиқилади. Таҳлиллар натижалари асосида келажакда шундай камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар тайёрланади. Бунинг барчаси ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Майор Баҳодир ЎТАНОВ.

Ҳарбий техника шарҳи

ЯНГИ КЎРИНИШДАГИ АНТЕННАЛАР ТИЗИМИ

Кенг частоталар диапазонидаги сигналларни қабул қилиш ва узатишни таъминловчи антенналар тизимини яратиш тактик алоқа воситалари ихтирочилари учун мураккаб бўлган вазифалардан биридир. Буюртмачилар бу воситаларнинг жанг майдонида вазифаларни бажаришда керакли сифатга эга бўлиши билан бир қаторда механик таъсирларга, табиат ва об-ҳаво шароитларининг (намгарчилик, ҳароратнинг кескин ўзгариши, чанглар) таъсирига барқарор бўлиш, ҳамда антенналарни устки кийим-кечаклар билан уйғунлашиш талабларини қўядилар.

Уларнинг бир неча тури ўрганиб чиқилгандан сўнг, Comwin антенналар тизими танлаб олинди. Дастлабки кўринишлари АҚШ денгиз пиёдалари учун ишлаб чиқилган эди. Бу тизимнинг асосий хусусияти шундаки, унда ҳарбийларнинг кийим-кечагига ўрнатилган турли диапазонда ишловчи уч хил антеннадан фойдаланилади. Унинг таркибига қуйидаги антенналар тизими киради: частоталар диапазони 2 – 30 МГц оралиқда ишловчи камар кўринишида, частоталар диапазони 30 – 500 МГц оралиқда ишловчи нимча кўринишида, 500 – 2400 МГц оралиқда ишловчи бош кийим (шлем)га ўрнатилувчи антенналар.

Ўтказилган комплекс синовларда бу антенналар ёрдамида барча ишчи диапазонида алоқани таъминлаш текширилди. Синовлар турли қувватларда ишчи частоталарнинг дастурий ўзгариши режимларида ва қайд қилинган частоталарда, яъни ҳарбий хизматчи тик турган вақтида нимча кўринишидаги антенна ёрдамида иккиёқлама алоқа 9 км. гача (узатгичнинг чиқиш қуввати 3 Вт бўлганида) ва 6,2 км. гача (0,1 Вт бўлганида) масофада, қумли сатҳда ётган вақтида 6,2 км. масофада (узатгичнинг қуввати 5 Вт гача) ўрнатилди.

Шлемга ўрнатиладиган антенна рақам кўринишида телевизион камерадан узатилаётган видеотасвир сигналини кичик ўлчамли компьютер экранига қабул қилиш видеотасвир сифати сақланган ҳолда 160 м.гача бўлган масофада амалга оширилди. Унинг ёрдамида икки ёқлама алоқа эса 6 км.дан ошиқ масофада ўрнатилди.

Синов вақтида камар кўринишидаги ва шимнинг ён тарафига ўрнатиладиган антенналарнинг асосий тавсифномалари найзасимон антенналар билан солиштирилди. Ихтирочиларнинг таъкидлашича, Comwin антенна тизимига тегишли қисқа тўлқинли элементнинг кўрсаткичлари 10м.узунликдаги найзасимон антенна кўрсаткичларига мос келиши мумкин. Тизимнинг камчиликларидан бири унинг Ернинг сунъий йўлдоши ретрансляторлари билан ишлаш имконининг йўқлигидадир.

Бугунги кунда сунъий йўлдошли алоқани таъминлаш учун ҳарбий хизматчининг кийим-кечагига жойлаштириладиган антенналарни яратиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Жалолиддин Синд дарёсидан кечиб ўттандан сўнг қолган-қутган, оч-яланғоч, етарли қурол-аслаҳага, уловга эга бўлмаган жангчилари билан нотаниш ўлка бўлмиш Шимолий Ҳиндистонда яна қийинчиликларга дуч келди. Маҳаллий ҳукмдорлардан бири пайтдан фойдаланиб, катта қўшини билан сув ва олов ўртасидан зўрға омон чиққан, руҳан толиққан султонга мардонавор ҳужум қилди. Аммо жангларда тобланган хоразмликлар сўнгги кучларини тўплаб, ўзларидан бир неча баробар катта, обдон қуролланган қўшинни худди емишдек қабул қилдилар, душмандан ўзлари айни вақтда жуда ҳам муҳтож бўлиб турган қурол-аслаҳалари, отлари, ҳатто кийим-кечакларигача тортиб олдилар. Қўққисдан ҳужум бошлаган ражпутлар роноси (ҳукмдори) Жалолиддин қўлида қўққисдан нобуд бўлди. Шундан сўнг теварак-атрофдаги ҳукмдорлардан бир нечтаси унга бўйин эгиб келишди. Жалолиддин Ҳиндистондалик пайтида ўз номидан кумуш, мис тангалар зарб эттирди, жойларда хутбалар ҳам ўқилди. Аммо катта-катта жангларда қўли доим баланд келаётганига қарамай, бу ерда муқим ўрнашиб, таъсир доирасини янада кенгайтиришни истамади. Бир қисм сафдошларининг таклифига кўра, Ҳиндистондаги мулкни кенгайтириб, катта салтанат қуриш йўлидан бормади.Аниқроғини айтганда, Чингиздек манфур, айёр, қудратли душманга қарши курашда ўзи билан бир сафда турадиган, энг қийин лаҳзаларда ўлимдан қўрқмасдан олға интиладиган иттифоқдошлар топишга кўзи етмади. Аслида, қаршилик ҳаракатини ёт ўлкада эмас, ўз салтанатининг бир чеккасида ташкил этиш, тарафдорлар топиш осон эди. Шунинг учун ҳам у кўпчилик сафдошларининг фикрига қулоқ солиб, Эронга, 1224 йили эса Озарбойжонга келди. Шу вақтдан эътиборан Жалолиддин Мангубердининг Эрон, Ироқ, Гуржистон, Рум ўлкаларидаги фаолияти бошланди. Султон ҳаёти ва фаолиятининг бу мураккаб ва зиддиятли даври ҳақида сўз борар экан, айрим тадқиқотчилар Жалолиддинни буюк саркарда ва беназир жангчи сифатида эътироф этганлари ҳолда, унинг қўшини давлатларга нисбатан тутган сиёсатига танқидий қарайдилар. Уларнинг фикрича, Жалолиддин дипломатияни ишга солиб, қўшни ҳукмдорлар билан иттифоқ тузиш ўрнига, уларга қарши урушиб, ўз ҳалокатини тезлаштирган эмиш. Аммо тарихий манбаларга жиддий эътибор берсангиз, бу иш нечоғлик қийин, мушкул бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. Бағдод халифалари, Кўния султони Алоуддин Кайқубод, Айёбийлар оғзида ягона душман мўғулларга қарши биргаликда курашни қўллаб-қувватлаган бўлишса-да, амалда ушбу ўта муҳим масалага, ҳаёт-мамот масаласига калтабинлик билан ёндашдилар. Султон Жалолиддинни ўзларига мўғуллардан пана қилувчи абадий қалқон деб билишди. Ҳатто ўзаро келишмовчиликларида усталик билан хоразмликлар қўшини кучидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Ушбу ҳукмдорлар фикрича, уларнинг давлатлари учун Чингизхон эмас, балки Жалолиддин катта хавф эди. Султон Жалолиддин бир қанча муддат руҳий тушкунликка ҳам тушди. «Эй Тангрим! Нечун мени бунчалар қийнайсан, инсон боласи чидай олмайдиган азобларга дучор қиласан?! Султон эмас, оддий бир одам бўлиб туғилсам бўлмасмиди?!» дея нола қилди. Аламзадалик билан унга ёмонлик соғинган, ўз хатти-ҳаракатлари билан асосий душманга ошкора ва зимдан кўмаклашаётган маҳаллий ҳукмдорларга қарши ҳужумлар уюштирди (ўзаро ихтилоф ва тушунмовчиликларнинг пайдо бўлишида Жалолиддиннинг сўнгги вазири Шарафулмулк ҳам катта ҳисса қўшади. Ҳокимиятни эгаллаш учун яширинча султонга қарши иш юритаётган бузғунчи вазирнинг кирдикорлари фош этилгач, у ҳибсга олиниб қатл этилган).

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
(Давоми бор).

ҲАЙРАТЛАНАРЛИ ТАҚДИР, МИСЛСИЗ ИРОДАГА ЭГА БЎЛМИШ БУЮК САРКАРДА ГЎЁКИ РУҲСИЗ ТАНАГА АЙЛАНГАН ҲОЛАТИДА ҲАМ БИР ЭМАС, ИККИ ЭМАС, ЎН БИР ЙИЛ (!) ДАВОМИДА ЁВУЗ ДУШМАНЛАРИ, ОДАМХЎРЛАР ТЎДАСИ ЮРАГИГА ҚЎРҚУВ СОЛДИ.

ГОРДИМСЯ НАСЛЕДИЕМ ВЕЛИКИХ ПРЕДКОВ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Уже в VI – V веках до нашей эры в различных источниках упоминаются хорезмийцы, согдийцы, саки, массагеты, бактрийцы, что свидетельствует о многообразии культур в этом крае. Это и предопределяло пересечение в нем различных караванных путей, торговых маршрутов, контактов различных народов. А появление Великого шелкового пути, пролегающего через наш регион, этой живительной артерии международного масштаба, еще более упрочило и расширила межкультурные связи.

Золотой колыбелью нашей земли, давшей миру немало гениальных мыслителей, ученых, поэтов, зодчих, стало появление и развитие таких государств, как Согд, Хорезм, Бактрия, Кушанское государство, Парфия, Эфталитское государство. Затем государства Саманидов, Караханидов, Хорезмшахов, Мавероуннахра и, наконец, великая держава Амира Темура. Пережила наша земля и нашествие Александра Македонского, завоевания арабов, владычество Чингизхана и его потомков. Через Бухарский эмират и Хивинское царство, через Туркестанский край и Советы мы пришли к современному независимому Узбекистану.

Окидывая беглым взглядом страницы героической истории, необходимо подчеркнуть, что в различные исторические эпохи на нашей земле расцветали высокие цивилизации, существовали могучие государства. Они оставили заметный след в истории не только народов Узбекистана, но и всего человечества.

Говорят, история – в памятниках старины. В нашей стране это особенно заметно. Уникальные исторические памятники Самарканда, Ташкента, Бухары, Хивы, Шахрисабза, Термеза, Карши и Маргилана стали бесценным достоянием всего человечества. Эти замечательные города-музеи, преображенные в годы независимости и засиявшие новыми неповторимыми красками, – подлинные жемчужины Востока.

Наш народ гордится огромным духовным наследием великих предков. На трудах великих мыслителей Востока, среди которых аль-Бухари, ат-Термези, Ахмад Яссави, Бахауддин Накшбанди, аль-Беруни, Ибн Сино, аль-Фаргони, Мухаммад Хорезми, Алишер Навои, Амир Темур, Улугбек, Бобур и многие другие наши выдающиеся предки, учились и сегодня учатся миллионы и миллионы наших соотечественников. Каждая из этих личностей оказывала в свое время огромное влияние на формирование духовности людей, национального самосознания народа, формирование национальной гордости за свою великую землю.

Особый разговор об известных всему миру полководцах, отличавшихся не только присущей узбекскому народу самоотверженностью, но и неординарностью их полководческого ума, стратегического мышления и, самое главное, – верностью родной земле и своему народу. В своей знаменитой книге «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» Президент И.А.Каримов обращал наше внимание на то, что мы должны изучать и перенимать полководческий талант, военное искусство и стратегическое мышление наших великих предков – Амира Темура, Темура Малика, Джалолиддина Мангуберди, Бабура. Учиться у них умению защищать независимость и славу Узбекистана.

История Родины – прошлое Родины. Именно в нем истоки нашего патриотизма, верности родной земле, матери-Родине. Во все времена в больших и малых войнах против иноземных захватчиков и поработителей народ неизменно поднимался на защиту родной земли и выдвигал из своей среды подлинных героев-освободителей. Минули столетия, но и сегодня люди воздают должное мужеству, организаторскому таланту и стратегическому мышлению Амира Темура и его отважным воинам. Слава и деяния Сахибкирана были так велики, что еще в XV веке в Европе был сооружен памятник с выразительной и глубоко символичной надписью: «Освободитель Европы». Да, это он, «властелин семи созвездий», создатель великой державы от Инда и Ганга до самой Европы, наречен был не завоевателем, а освободителем. И это правомерно, именно он пресек движение диких орд в глубь Европы и надолго приостановил другие агрессивные экспансии.

Немало в нашей истории и таких неординарных личностей, подлинных героев-самородков, которые, казалось бы, в самых неблагоприятных условиях, при нехватке сил и возможностей, малочисленности сподвижников, несмотря ни на что, движимые только одним – чувством глубочайшей любви к Родине, вставали на борьбу с завоевателями за честь родной земли и своего народа и добивались блестящих побед. Среди них – достойный образец мужества и отваги – наш великий предок Джалолиддин Мангуберди. Одиннадцать лет сражался Мангуберди с монгольскими захватчиками. До этого они не знали поражений. Но бесстрашный Мангуберди не раз обращал их в бегство. Он наносил им такие беспощадные удары, что даже сам Чингизхан был вынужден признать мужество, талант и отвагу Джалолиддина Мангуберди.

Наша история бережно хранит имена и других отважных сынов и дочерей Отечества. Среди них – легендарная царица Тумарис, сакский пастух Ширак, бесстрашный Спитамен, мужественный Наджмиддин Кубро и многие другие. Что лежало в основе их мужества и героизма? Только одно – любовь к родной земле, к Родине и своему народу. Именно в нашем прошлом, истории, – истоки духовности, наши корни, наши жизненные соки, питающие мировоззрение, устои и национальную гордость.

В этом огромный политический и духовно-нравственный смысл. Потому что прошлое, а точнее история, обладает огромной силой притяжения. Это делает нашу героическую историю инструментом огромного политического значения и воздействия на умы и сердца людей, особенно молодежи, важнейшим средством формирования духовности и нравственности. История – это память. А память – фактор оборонный, воспитывающий, мобилизующий.

Через века, через толщу столетий архитектурные памятники, фолианты древних рукописей, предметы археологических изысканий, изделия народных мастеров восхищают нас своим великолепием, отточенностью и продуманностью архитектурных форм, неординарностью творческой мысли и нравственной чистотой. Они возвышают наш разум, доходят до сердца человека и укрепляют его любовь к Родине, своему народу, **становятся великой необоримой силой, которая и выступает гарантом прочности нашей независимости, верности ее идеалам и достижениям.**

Сегодня мы решаем исторической значимости задачи и, как учит нас глава нашего государства, должны шире опираться на приобретенный предшествующими поколениями опыт, в том числе и опыт великих предков. **«Мы должны, – говорил Президент И.А.Каримов на второй сессии Олий Мажлиса первого созыва, – унаследовать от предков их умение защищать независимость и славу Узбекистана и должны быть всегда готовы к его защите».**

Сложность и ответственность задач по дальнейшему совершенствованию нашего общества, реформирования Вооруженных Сил, повышение роли личности в строительстве правового, демократического государства, гражданского общества в свете выступления главы нашего государства на торжественной церемонии, посвященной 15-летию независимости Республики Узбекистан, настоятельно требуют усиления внимания к духовной стороне жизни наших граждан, воинов Вооруженных Сил, повышения роли воспитательной работы в решении стоящих задач. Что для этого необходимо?

Первое. Следует актуализировать духовно-нравственное воспитание за счет усиления внимания в воспитательной работе к героике прошлого, к нашей богатейшей истории, к пропаганде традиций узбекского народа, его многовековой культуре и вклада в развитие мировой цивилизации.

Воспитывать военнослужащих на героике прошлого – значит глубоко уяснить природу самого подвига, найти его истоки, проследить его развитие и последствия, постигая его глубину, психологичность и общественно-нравственное значение.

Второе. С учетом героики прошлого следует усилить внимание к боевым традициям Вооруженных Сил. Традиции всегда играли в жизни людей огромную роль. Возникнув в глубине веков, они живут очень долго, порой отставая от шагов истории. Вот и теперь, в период независимости, мы, как через сито времени, отсеяли все ненужное, уцененное и сохранили то, что соответствует нашему времени и нашему мировоззрению. Сегодня мы придаем особое значение и чтим такие традиции, которые впитали в себя опыт прошлого и отражают настоящее. Главными из них являются:

– преданность независимой Родине и родной земле;

– верность своему народу и Президенту;

– крепкая дружба и войсковое товарищество;

– верность Военной присяге и воинскому долгу;

– верность Боевому Знамени части;

– уважение командира и защита его в бою;

– постоянное стремление к совершенствованию своего профессионального мастерства;

– высокая дисциплинированность;

– повседневная борьба за высокую бдительность и постоянную боевую готовность.

Третье. Сегодня, как никогда, необходимо усилить внимание к формированию у военнослужащих любви к независимой Родине, патриотизма и высоких морально-боевых и психологических качеств. В этой работе важно не упускать из виду одну деталь: раскрывая значение подвига, будь то сражение времен Амира Темура или эпизод из Второй мировой войны, схватка с бандформированиями террористов в наше время, следует всегда помнить, что победа в бою невозможна без мужества солдата, его профессионального мастерства, без оперативно-тактической грамотности командира. И значит, воспитание патриотизма неотделимо от нравственной закалки воинов, выработки у них высоких морально-боевых качеств, необходимых в современном бою.

Четвертое. Активизация работы по духовно-нравственному воспитанию естественно предполагает усиление внимания к проблемам воспитания у воинов национальной гордости, необходимости высоко нести честь и достоинство воина Вооруженных Сил Республики Узбекистан и одновременно к вопросам укрепления дружбы и войскового товарищества на базе национального аспекта, который сегодня в нашей стране приобретает новое звучание, является важнейшим фактором обеспечения мира, стабильности, согласия в стране и монолитной сплоченности Вооруженных Сил.

История давно подтвердила, что сила солдата, его моральный дух, его воля к защите Отечества зиждятся на гордости за свой народ, за свою страну и ее успехи в деле созидания нового общества, в чувстве причастности к делам и свершениям своего народа. Все это у воина Вооруженных Сил Республики Узбекистан есть. Оно питает его верность родной стране, народу и Президенту и делает его фигурой исторической, достойной времени, в котором мы живем, способной быть на высоте стоящих перед ним задач.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ОКИДЫВАЯ БЕГЛЫМ ВЗГЛЯДОМ СТРАНИЦЫ ГЕРОИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ, НЕОБХОДИМО ПОДЧЕРКНУТЬ, ЧТО В РАЗЛИЧНЫЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭПОХИ НА НАШЕЙ ЗЕМЛЕ РАСЦВЕТАЛИ ВЫСОКИЕ ЦИВИЛИЗАЦИИ, СУЩЕСТВОВАЛИ МОГУЧИЕ ГОСУДАРСТВА.

ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конституциямиз ўзида жаҳон Конституциявий тажрибасини ҳам, хос ўзбекона миллий қадриятларимизни ҳам мужассамлаштиради. Асосий қонунимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ҳамда ўзбек халқининг ота-боболардан ўтиб келаётган анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб қабул қилинган. Бу ҳақда Конституциямизнинг муқаддимасида баён этилган.

Асосий қомусимизнинг кўп моддалари, албатта, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттиради. Масалан, Конституциямизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» деб белгилаб қўйилган.

Ҳар бир миллат учун унинг она тили олий қадрият бўлиб ҳисобланади. Ўзбек тили ҳам ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган қадимий бой ва гўзал тилдир. Қадимда ўзбек тили туркий тил сифатида машҳур бўлган. Мустақил давлатнинг илк белгиси унинг давлат тилига эгалигидадир. Ўзбекистон 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан мустақиллик сари илк қадамларини қўйган эди.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида ўзбек халқининг меҳмондўстлик, инсонпарварлик хислатлари билан йўғрилган қадриятлари ўз аксини топган. Азалдан халқимиз меҳмондўстлиги билан машҳур. Ота-боболаримиз томонидан «Меҳмон отангдан улуғ» мақоли бежиз айтилмаган. Ҳар бир миллат учун унинг урф-одатлари, анъаналари ва миллий қадриятлари азиз ва муқаддасдир. Шундай экан, бошқа халқларнинг миллий қадриятларини эъзозлаш ҳам ўзбек халқига хос қадриятдир.

Конституциямизнинг 31-моддасида халқимизнинг диний қадрияти ўз ифодасини топган. Унда ёзилишича, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон кўп миллатли мамлакатдир ва унда яшайдиган ҳар бир миллат ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилади. Ўзбек халқи учун эса Ислом дини муқаддас ҳисобланади. Ислом дини билан боғлиқ бўлган кўпгина урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз бунинг яққол далилидир. Диний қадриятларимизнинг унсурлари кўпгина маросимларимизда ва байрамларимизда ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам миллий қадриятларимизнинг таркибий қисми бўлмиш диний қадриятимизнинг, халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг Конституциямизда ифодаланиши ўзбек халқи учун ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Оила, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ қадриятлар Конституциямизнинг XIV бобида, 63-64-65-66-моддаларида ўз аксини топган. Қомусимизнинг 63-моддасида ёзилишича, «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади».

Маълумки, халқимизда азалдан никоҳ ва оила тушунчалари муқаддас деб ҳисобланиб келинади. Шунинг учун никоҳ ва оила билан боғлиқ урф-одатларимиз, анъаналаримиз миллий қадрият даражасида сақланиб келмоқда. Давлатимиз томонидан ҳам никоҳ ва оиланинг мустаҳкамлиги, тотувлиги йўлида талай ишлар амалга оширилмоқда. «Оила йили»нинг эълон қилиниши бунинг яққол далилидир. Зеро, оилалари мустаҳкам, тотув, соғлом бўлган жамиятнинг, шубҳасиз, келажаги буюкдир.

Конституциямизнинг 64-моддасида халқимизнинг азалий қадриятларидан яна бири ўз ифодасини топган. Ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдидаги бурчлари, халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, бағрикенглик, болажонлик каби олижаноб хислатлар миллий қадриятимизнинг асосини ташкил этади.

Конституциямизнинг 65-66-моддалари ҳам 64-модданинг мантиқий давомидир.

«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда). Бу моддаларнинг негизини халқимизнинг каттага ҳурмат, кичикка иззат, ота-онага бўлган ҳурмат, меҳр-оқибат каби миллий қадриятлари ташкил этади. Шубҳасиз, ҳар бир ўзбек хонадонида ота-онани қадрлаш, уларга нисбатан ғамхўрлик қилиш, уларнинг гапини икки қилмаслик, бир сўз билан айтганда, уларни бошга кўтариб эъзозлаш фарз бўлиб ҳисобланади. Бу билан боғлиқ қадриятлар ўзбек халқ мақоллари, афсоналари, эртаклари ва достонларида акс этган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса бу олий қадриятимиз асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизда ҳуқуқий асосини топди.

Ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, анъаналари ва миллий қадриятлари Конституциямиздаги кўплаб моддаларнинг асосини ташкил этади, десак, муболаға бўлмайди. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришимиз учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бизнинг ўзлигимиз ҳам, келажагимиз ҳам Конституцияда намоёндир. Ўзлигини йўқотмаган халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг эса келажаги порлоқдир.

Халқимиз шонли Истиқлолимизнинг қутлуғ 15 йиллигини нишонлади. Ушбу қисқагина тарихий давр она халқимизнинг мураккаб ўтиш давридаги қисматида жуда катта ўрин тутади. Ўтиш даврининг омадлари, муваффақиятлари билан бирга, оғир синовларида ҳам Конституциямиз халқимизга елкадош, мададкор бўлиб, йўлчи юлдуздек унинг истиқболини ёритиб турди. Ўйлайманки, Истиқлол қомусида кафолатланган миллий қадриятларни қанчалик улдалаб ҳаётга татбиқ эта олсак, халқимиз, давлатимиз ва мамлакатимизнинг тараққиёт ҳамда равнақ йўли шунчалик мунаввар бўлаверади.

Камола АТАУЛЛО.

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

МУОЛАЖА ЛАБОРАТОРИЯДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий поликлиникасида бугунги кунда нафақат ҳарбий хизматчиларга, балки уларнинг оила аъзоларига, истеъфодаги ҳарбийларга, шунингдек, поликлиникага бириктирилган ҳудудий қисмларга ҳам тиббий хизмат кўрсатилади. Поликлиниканинг асосий бўлимларидан бири клиник-биохимиявий текширувлар ўтказиладиган лабораториядир. Мазкур лабораторияда йил мобайнида 200 мингга яқин тиббий текширувлар амалга оширилади. Изланишлар ва текширувлар таркиби эса қуйидагича: умумклиник, биохимик, цитологик, серологик, иммунологик. Текширувлар таркиби ва ҳажми даволанаётган беморлар таркибига ва уларнинг ташхисларига ҳам боғлиқ. Клиник шифокорлар лаборатория хизматидан тўлақонли фойдаланишади, яъни юрак-қон томир касалликлари, ҳазм қилиш органлари, кўриш аъзолари, асаб тизими, тери-таносил касалликлари ва юқумли касалликларни аниқлашда лаборатория хизматидан фойдаланилади. Шунингдек, эндокринологик аъзолар, қон алмашув таркиби, нафас йўли сурункали касалликларни аниқлашда ҳам лаборатория ходимларининг иштироки бор.

Лабораторияда тажрибали шифокорларнинг бўлиши шарт. Улар касалликнинг олдини олишда қаттиқ курашадилар. Айниқса, ҳарбийларнинг иммунологик жиҳатдан соғломлигини ошириб бориш аҳамиятлидир. Иммунитети етарли организмнинг турли юқумли касалликларга чидамли бўлишини яхши биламиз.

– Бизнинг мақсадимиз касалликнинг олдини олиб, ўз вақтида муолажа қилишга ёрдамлашиш. Маълумки, ҳар бир шифокор беморга ташхис белгилашдан олдин унинг умумий аҳволини лаборатория ёрдамида аниқлаши лозим, – дейди лаборатория бўлими мудираси Гулнора Қосимова. – Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, истеъфодаги ҳарбийларни тўлиқ тиббий текширувдан ўтказиш, уларни безовта қилаётган касалликларнинг олдини олиш асосий вазифамизга киради. Соғлом ёки тез-тез оғриб турадиган беморларга ташхис қўйишда сўзсиз лаборатория текширувларига таянилади. Шу боис лабораторияда бўлими поликлиниканинг қон томири ҳисобланади.



Лабораторияда айни пайтда тажрибали шифокор ва ҳамшираладан – Маҳфуза Абдуллаева, Галина Колягина, Гулнур Турғунова, Флюра Шайдуллина, Дилноза Туляшевалар сидқидилдан хизмат қилишмоқда.

– Баъзан вақт билан ҳисоблашмай ишлашга тўғри келади, – дейди Гулнора опа. – Бизнинг оддий поликлиника ходимларидан фарқимиз шунда. Улар белгиланган вақтда хизмат кўрсатишади, ҳарбий поликлиникада эса бундан бошқачароқ. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ўз вазифамизга янада масъулият билан ёндашишга кўникканмиз. Шифокорлар ва ҳамшираларнинг қалбида ватанпарварлик руҳи кучли, улар қилаётган ишларининг нечоғли шарафлилигини теран ҳис этадилар. Бу даргоҳда ана шундай фидойи шифокорлардан меҳнат фахрийлари, ҳарбийларнинг ҳақиқий нажоткорларига айланиб улгурган, қалбларидан жой олган Юлия Самойлович, Людмила Воронцова, Нина Болюба каби ўз ишини маҳорат билан бажарган меҳнат фахрийлари фаолият юритишган. Улар бизга устозлик қилганлар, ўз касбимизга садоқат билан ишлашга ўргатишган. Улар ҳақида кўпроқ гапиришни, азиз номларини эҳтиром билан тилга олишни, уларни тез-тез йўқлаб туришни ўз шогирдлик бурчимиз деб биламиз.

Гулнора опа ҳақ. Ҳар бир касбнинг ўз усталари бўлади. Бу даражага етиб бориш учун эса тинимсиз изланиш, заҳмат чекиш керак. Лабораториянинг жонкуяр ходимлари билан хайрлашар эканмиз, уларнинг ишларида куч-қувват, самара тилаймиз. Улар бор экан, юртимиз посбонларининг саломатлиги мустаҳкам, оиласи хотиржам ҳаёт кечираверади.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Юртимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотларга киришилди. Натижада қатор жиддий янгиланиш ва ўзгаришлар амалга оширилди. Аввало, асосий қомусимиз бўлган Конституциямизда собиқ иттифоқ қонунларидан фарқли ўлароқ, судлар ҳокимият даражасига кўтарилиб, уларнинг фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилди. Бу албатта фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг энг асосий мезони бўлди.

Бугун суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади – инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашдан иборат. Бу жиҳат ҳуқуқий тизимда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бир қатор қонунлар билан кафолатланган.

Ушбу фикрлар Президентимиз томонидан 2005 йилнинг 8 август куни имзоланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонда ҳам янада яққол намоён бўлди.

Суверен давлат қонунчилик асосларини яхшилаш ҳамда уларни инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя этиш соҳасидаги халқаро андозаларга мувофиқлаштириш борасида янги қадам бўлган мазкур Фармон жамиятни ҳамда давлат қурилишини янгилашнинг мамлакатимизда кечаётган жараёнларига, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг ва муносибдир.

Гарчанд, бир қатор тараққий этган мамлакатларда инсоннинг конституция билан белгиланган ҳуқуқларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш суднинг қарори билан амалга ошириб келинаётганлиги ўзини оқлаб келаётган бўлса-да, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши миллий қонунчилигимиз тизимида рўй берган муҳим янгилик ҳисобланади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларига тўлиқ мос келади. БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига мувофиқ, 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддасига кўра, ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ҳеч ким қонун билан белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Жиноий айблов билан қамоққа олинган ёки ҳибсда ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга оширищ ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган киши муайян муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга.

Ҳозирги кунда дунёнинг 110 дан ортиқ мамлакатларида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш судлар ваколатига берилган. Фикримизча, ушбу давлатларнинг тажрибасини ўрганиб, таҳлил этиш ҳар томонлама фойдалидир. Бунда албатта ўз миллий манфаатлари ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир давлатнинг муайян ижтимоий муносабатга баҳо бериши қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини хорижий мамлакатлар қонунларида турлича ҳал этилганлигининг бош омилидир.

Шунга кўра, халқимизнинг асрий урф-одатлари ва миллий қадриятларини ҳисобга олган тарзда қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судлар томонидан амалга оширилишининг қонуний тартибини ўрнатишимиз даркор.

Ҳозирги пайтга келиб Фармонни ҳаётга татбиқ этишнинг қизғин жараёни бошланди, у режа асосида босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Албатта, мазкур Фармоннинг ижроси билан боғлиқ кўпгина ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Бу эса бир қатор чоратадбирларни амалга оширишни ва муайян вақтни талаб қилади. Фармоннинг 2008 йилдан кучга кириши ҳам бу масалани бирдан ҳал этиб бўлмаслигини назарда тутади. Бунинг учун энг аввало, ҳуқуқий ислоҳотларнинг аҳамияти бўйича аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Аслида ҳам, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш, бир қарашда оддий туюлгани билан жуда мураккаб масаладир. Уларнинг муваффақияти нафақат давлатнинг фаол саъй-ҳаракатларига, балки жамиятнинг тараққиёти, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам боғлиқ.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари орқали бу масалада турлича фикрлар, ҳуқуқий механизм ва тартиблар юзасидан атрофлича таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Бунда биринчи навбатда судьяларнинг холислик масаласи кенг муҳокама қилинмоқда. Шунга кўра, миллий қонунчилигимизда судьянинг холислигини таъминлаш борасида қатъий қонун меъёрлари ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилмоғи лозим.

Бунинг учун жиноят содир қилганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсни қамоққа олиш масаласини очиқ суд жараёнида кўриб чиқишда терговчи, прокурор ва айбланаётган (гумонланаётган) шахс ҳамда унинг ҳимоячиси иштирокининг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ислоҳотларни амалга ошириш нафақат судьяларнинг билим савиясига, балки терговчи, прокурор, адвокатларнинг ҳам билим савиясига бевосита боғлиқдир. Фақатгина етук кадрлар воситасидагина ислоҳотлардан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ушбу Фармон шубҳасиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичида мўлжалланган вазифаларни суд амалиётида қўллашни таъминлайди, ҳокимият тармоғида суднинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, одил судлов жараёнида тортишув тамойилини кенгайтиришга, инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Адлия подполковниги
Савронбек ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раисининг ўринбосари.

БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

(Продолжение.
Начало в предыдущих номерах).

– Ты правильно решил, что сам пришел к нам, – произнес генерал, исподлобья глядя на Одила. – Мы не будем тебя арестовывать. Но при всем этом ты должен знать, что на улице нашими сотрудниками за тобой будет вестись постоянное наблюдение. Наши люди сами подойдут к тебе в нужную минуту. Твоя задача вести себя так, как будто у тебя не было никаких контактов с нами. Встретившись с Саидшо, соглашайся со всем тем, что он тебе предложит. Тебе незачем знать о наших планах, это наша работа, но с этой минуты ты становишься одним из звеньев проводимой нами операции. Не скрою, мы рискуем, отпуская тебя, но этот риск оправдан тем, что у тебя есть шанс доказать нам, что ты раскаиваешься во всем совершенном до встречи с нами.

Одил шел домой, обдумывая каждое слово, сказанное ему генералом. Он не боялся сделанного им выбора, разом отделившего его от прошлого. Теперь он мог отвечать только перед законом, оставив себе единственный шанс на нормальную жизнь, и самое главное – больше не заливая веру в Аллаха кровью людей. Он не пытался распознать в толпе прохожих сотрудников службы безопасности, запретив себе думать о них, – эти мысли могли расслабить его, а это было именно то, чего сегодня он не мог себе позволить.

В назначенное время он постучал в дверь нужной ему квартиры. В небольшой гостиной у окна стоял Саидшо. Они никогда не были близки как товарищи, но, глядя на их взаимные приветствия, сторонний наблюдатель мог подумать, что их связывает крепкая дружба. Саидшо спокойно смотрел на Одила, не сомневаясь в нем. Но совсем другие чувства испытывал Одил, задав самому себе вопрос: «Правильно ли он поступил, обратившись в органы безопасности?» И в который уже раз ответил: «Да, правильно!»

Саидшо рассказал о захваченных иностранцах. Потом поручил Одилу сегодня же купить фотоаппарат, зарядить его пленкой и вернуться в квартиру вечером. Чуть позже Одил шел по улице, не сомневаясь, что за ним наблюдают оперативники. Но подойдут ли они к нему сейчас или придут к дому вечером? Нужно немедленно сообщить о том, что в руках боевиков находятся заложники. Неожиданно с ним поравнялся незнакомый мужчина и знаком предложил следовать за ним. Они вошли в небольшой магазин, пересекли полупустой торговый зал и скрылись за дверью директорского кабинета.

Одил рассказал оперативнику обо всем, что увидел и что услышал в квартире Саидшо.

– Через полчаса придешь на оптовый базар и получишь от нашего сотрудника фотоаппарат. Он сам подойдет к тебе. Аппарат будет заряжен пленкой. Сделаешь вечером фотосъемку в квартире, пленку проявишь утром в фотоателье, которое мы тебе укажем. Выполняй все приказы Саидшо и Файзи. Ни о чем не волнуйся, квартира уже под нашим контролем.

Одил фотографировал мужчину и женщину. Они не проявляли никакого беспокойства,

ТЕПЕРЬ ОН МОГ ОТВЕЧАТЬ ТОЛЬКО ПЕРЕД ЗАКОНОМ, ОСТАВИВ СЕБЕ ЕДИНСТВЕННЫЙ ШАНС НА НОРМАЛЬНУЮ ЖИЗНЬ...

лишь мужчина что-то сказал женщине, и она улыбнулась. Все заняло минут двадцать. Готовые снимки по приказу Саидшо Одил должен был отдать Файзи в полдень следующего дня.

Ночью руководители операции по освобождению заложников разрабатывали план дальнейших действий. Необходимо было решить два вопроса: как и когда начать захват группы Саидшо, и стоит ли вообще проводить операцию захвата группы без обнаружения места пребывания Ризвона Содирова. Окончательно было решено: оперативники дожидаются дальнейших действий террористов. Исходили из того, что если им понадобились фотографии заложников, значит Ризвон Содиров хочет представить властям документальное свидетельство их захвата и ускорить обмен.

Но обо всем этом Одил не знал. Утром он отдал фотоаппарат в фотоателье, потом забрал готовые снимки и в полдень передал их Файзи, который, ни о чем не расспрашивая, ушел, бросив на ходу, что сам найдет Одила. Возвращаясь вечером с работы домой, Одил услышал за своей спиной шаги. Подошедший к нему оперативник тихо попросил с завтрашнего дня не покидать дома.

Ризвон понимал, что просто так Бахрома на заложников не обменяют. Начнутся долгие переговоры, и одновременно будет готовиться вариант вооруженного захвата боевиков. Это было закономерно. С другой стороны, идти на крайние меры вроде отрезанных пальцев или ушей заложников, посланных в коробке силовикам с требованием ускорить освобождение Бахрома, Ризвон не хотел, но не из жалости к ним. Фотографии, которые лягут на стол оперативников и генералов, должны послужить доказательством его гуманного отношения к заложникам. Потом эти снимки попадут в СМИ, и ни у кого не будет повода обвинять его в издевательстве над иностранцами.

С первого дня он приказал Саидшо обращаться с заложниками так, будто бы они были самыми дорогими гостями боевиков. Этот приказ Ризвона выполнялся, несмотря на то, что Саидшо ненавидел всех иностранцев и различные международные гуманитарные организации. Ризвон знал, что такое отношение присуще многим боевикам, да и сам он недолюбливал международные организации за то, что они, помогая республике, укрепляли авторитет действующего правительства среди народа. Но он понимал и то, что без иностранной гуманитарной помощи многие люди просто погибли бы от голода или болезней. Все это было непросто, и он старался не думать об этом именно сейчас. В конце концов, это священная война, в которой победы должны исчисляться количеством человеческих жизней, принадлежащих Аллаху.

Днем уложенные в конверт фотографии заложников были брошены в ящик «Для писем и жалоб граждан» Министерства безопасности республики. В приложении к фотографиям заложников была и записка, как и в первый раз написанная самим Ризвоном, – «Скоро обмен».

Айдын ГУДАРЗИ.
(Продолжение следует).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



В Багдаде прошли казни

Правительство Ирака официально подтвердило, что в Багдаде были казнены 27 граждан, признанных виновными в убийствах и изнасилованиях. «27 террористов были подвергнуты смертной казни в Багдаде, они были казнены после того, как иракские суды признали их виновными в убийствах и изнасилованиях», – сообщает «NEWSru Israel» со ссылкой на Reuters.



Цены на нефть упали

Некоторое затишье на Ближнем Востоке, слабые тропические штормы и высокие показатели по запасам нефти в США успокаивают инвесторов. Цена нефти WTI при закрытии торгов по нефтяным октябрьским фьючерсам на Нью-Йоркской товарной бирже остановилась на отметке в 67,5 доллара за баррель – это близко к минимальным ценам апреля 2006 года. Понижение цен на нефть, которые в июле достигали 78 долларов, связано с позитивной информацией, поступающей из основных регионов добычи и потребления нефти.



МВФ о возросших рисках

МВФ прогнозирует продолжение экспансии мировой экономики в 2007 году, но при этом считает, что риск резкого замедления темпов ее роста значительно вырос, сообщила испанская «Expansion» со ссылкой на проект доклада, который будет представлен министрам финансов G8. Толчком к замедлению может стать спад на рынке жилья в США или всплеск инфляционных ожиданий, который вынудит центральные банки повысить процентные ставки, считают аналитики МВФ.



Предложение к открытым дебатам

Президент Ирана выступил с предложением провести открытые дебаты с президентом США Джорджем Бушем на Генеральной Ассамблее ООН, которые состоятся в этом месяце. Для этого он собирается приехать в Нью-Йорк. Белый дом пока не отреагировал на это предложение, однако раньше он уже отказывался от предложения Ахмади Нежада провести телевизионные дебаты. Неясно, намерен ли Иран сделать официальное предложение через дипломатические каналы, или заявления Ахмади Нежада являются лишь популистскими.



Взрыв на шахте

На одной из шахт на востоке Индии произошел сильный взрыв. В результате инцидента обрушилась крыша угольной шахты, сообщают местные СМИ. Существуют серьезные опасения за жизни 54 горняков. Всего в забое в этот момент находились 58 человек, четверым удалось спастись, передает ИТАР–ТАСС. На месте катастрофы ведутся спасательные работы.



Признание о секретных тюрьмах

Президент США фактически признал существование секретных тюрем, в которых американские спецслужбы держали подозреваемых в терроризме. Об этом было объявлено в контексте введения новых правил ведения допросов для армии США: отныне запрещены пытки и жестокое обращение с военнопленными. Буш также сообщил, что отныне 14 самых важных подозреваемых будут содержаться на базе Гуантанамо, и в начале следующего года они могут предстать перед военным трибуналом, передает AP.



Жизнь в плену

Похищенная 8 лет назад маньяком в возрасте 10 лет Наташа Кампуш впервые дала интервью журналистам. Все эти годы Наташа провела в заточении в специально оборудованном подвале жилого дома ее похитителя Вольфганга Приклопила в городке Штрассхоф недалеко от Вены. 18-летняя девушка рассказала, что не решалась сбежать от своего похитителя, боясь расправы. Приклопил угрожал начать убивать всех без разбора, если она попытается сбежать. Как известно, 23 августа, когда Наташа сбежала от него, Приклопил покончил с собой.



Леонардо да Винчи в мозаике

Самая большая в мире мозаика – портрет Леонардо да Винчи – была создана в столице Албании Тиране. Гигантское произведение искусства высотой в четыре и шириной в два метра войдет в Книгу рекордов Гиннесса, представитель которой прибыл в Тирану, чтобы зарегистрировать рекорд. Автором мозаики стал художник Саймир Страти. По его словам, при создании мозаики он использовал от 400 тыс. до полумиллиона гвоздей. В результате вес портрета составил 400 кг.

(www.NEWSru.com).

В МАХАЛЛЕ «ХАРБИЙЛАР»

Махалля «Харбийлар» расположена на территории воинского городка. И свое название она вполне оправдывает, так как здесь проживают военнослужащие и члены их семей. В махаллинском комитете работают люди увлеченные, добродушные, объединенные общей идеей – идеей благоустройства и процветания своего места проживания.

– Территория у нас большая, – говорит председатель махаллинского комитета Дехкон Курбанов. – Потому немало забот и проблем, которые приходится решать ежедневно. Вот и сейчас у нас полным ходом идет подготовка к осенне-зимнему сезону.

По натуре подвижный, энергичный Д.Курбанов не знает ни минуты покоя. Порой сразу наваливаются на него десятки проблем, но у ветерана хватает сил на все. Благо, что вокруг него образовался костяк отличных помощников. Это люди, умудренные жизненным опытом, с богатым багажом знаний.

В махалле хорошо знают Мансура Урмеева, Аъзама Ашурматова и многих других активистов. Они всегда среди людей. Добрым словом, дружеским участием и поддержкой помогают председателю Д.Курбанову решать ворох сложных проблем.

Большой круг вопросов решает и женсовет махалли «Харбийлар», который возглавляет деловая принципиальная женщина Навбахор Джалилова. Главный из них – семья, ее нужды, запросы. На проходящих заседаниях активистки женсовета обсуждают многие вопросы, касающиеся семейных отношений, здоровья женщин и детей, устройства на работу, в детский сад.

Махаллинских активистов можно часто видеть в кругу допризывной и призывной молодежи, готовящейся к службе в армии. Посещают они и школу, расположенную в военном городке, знакомят выпускников с правилами поступления в военные училища, бывают в семьях, в которых растут будущие воины.

– Наших ребят особо агитировать не приходится, – говорит Н.Джалилова. – Ведь все они – дети военнослужащих. С малых лет их окружает военная обстановка, армейский дух ребята впитывают с первых дней жизни. И поэтому многие из них идут дорогой отцов, успешно поступают в военные училища, становятся офицерами, навсегда связывают свою жизнь с армией. А те, кто по каким-либо причинам не поступил или не поступал в то или иное училище, идут на службу, честно и добросовестно выполняют свой конституционный долг.

Приближается осенняя призывная кампания, объявленная соответствующим постановлением главы государства. В это время у махаллинских активистов будет особенно много работы. Вместе с работниками районного отдела по делам обороны они будут встречаться с молодежью. Проведут беседы на военно-патриотическую тематику, разъяснят положения Конституции Республики Узбекистан, ознакомят с Законами «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» и «О службе в резерве Вооруженных Сил Республики Узбекистан».

В махалле «Харбийлар» в ходе подготовки к 15-й годовщине независимости Республики Узбекистан проведена большая работа по военно-патриотическому воспитанию молодежи. Встречи, беседы с офицерами, ветеранами войны, труда и Вооруженных Сил способствовали формированию у будущих воинов чувства гордости за нашу Родину, долга и ответственности перед народом, вызывают стремление с честью и достоинством выполнять свой священный долг.

Жители махалли «Харбийлар» с любовью, уважением и благодарностью говорят о членах махаллинского комитета: «Они выбрали тяжелое, но благородное дело. И труд их достоин уважения и нашей признательности».

Сергей БУДАЕВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**





ВЕРНОСТЬ ТРАДИЦИЯМ

Накануне 15-й годовщины независимости Республики Узбекистан в подразделении офицера Ш.Джумабаева составили план политико-воспитательной работы, в который включили немало интересных мероприятий. Все они несли в себе большое идейно-политическое и духовно-нравственное содержание. Продолжалось укрепление связей с махаллинскими комитетами, с общественными и государственными организациями, что, несомненно, способствовало укреплению воспитательной работы с личным составом, претворению в жизнь намеченного.

В преддверии праздника здесь состоялся вечер встречи представителей различных поколений. В гости к воинам пришли члены махаллинского комитета, среди которых были участники войны 1941 – 1945 гг. Прибыли аксакалы из районного Фонда «Нуроний», приехали родители и родственники солдат.

Встречу открыл капитан М.Умаралиев. В своем выступлении он подчеркнул, что страна торжественно и радостно отмечает приближающуюся годовщину независимости. Благодаря труду нашего народа, стремящегося к достойному будущему, республика процветает и преображается во всех сферах общественной жизни. Потому что наш народ знает – на страже его мирного труда стоят верные сыны Отечества, надежные защитники Родины.

Далее офицер привел немало цифр и фактов, раскрывающих созидательный потенциал нашего народа, его достижения во многих хозяйственных сферах. Благодаря этому Узбекистан стал достойным членом мирового сообщества, принимает активное участие в решении кардинальных мировых и региональных проблем.

Перед воинами выступили почетные гости – ветераны войны 1941 – 1945 гг. М.Эгамбердыев, М.Пашнин, представитель Фонда «Нуроний» М.Эшанкулов. Они призвали воинов с честью и достоинством выполнять свой конституционный долг, свято хранить и приумножать традиции старшего поколения, привели немало примеров фронтового братства, рассказали о мужестве и героизме воинов-узбекистанцев, овеявших себя неувядаемой славой, прославивших в боях свои имена. В заключение они пожелали сегодняшним защитникам быть патриотами своей Родины, постоянно расти духовно и нравственно, во всем проявлять бдительность.

Отец рядового М.Исматова, мать рядового А.Умарова и другие родители с восхищением говорили о происходящих в стране изменениях и преобразованиях. Своих сыновей и всех их сослуживцев они призвали зорко стоять на страже рубежей Отчизны.

А потом слово взяли сами воины. Рядовые А.Мухамадиев, М.Ахунов, Д.Равшанов и другие рассказали о своей службе, о достигнутых успехах в соревновании. Выступающие заверили гостей, что они и в дальнейшем будут успешно решать стоящие перед ними задачи, добросовестно изучать военное дело, словом и делом крепить и умножать славные традиции старшего поколения.

Борис САИДОВ.

БАЙРАМ НАФАСИ КЕЗМОҚДА

Истиқлолимизни байрам сифатида нишонлаш йилдан-йилга анъанавий тус олмоқда. Халқимизнинг азиз шодиёнасига айланган мустақиллик байрамини Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган Хастимом маҳалласида ҳар йили кўтаринки руҳда ўтказиш одатга айланган. Ушбу тадбирни маҳалла оқсоқоли Абдулла Маҳаммадалиев очди. Сўнгра сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими бошлиғи Саид Бузрукхўжаев, 4-оилавий шифохона шифокорлари, Қорасарой маҳалласи фаоллари ташриф буюрганларни байрам билан қизғин мубораксбод этишди. Кечага хонанда Муножот Тешабоева ўзининг дилтортар қўшиқлари билан файз киритди.

Хонбиби МАҲАМОВА.

ГЎЗАЛЛИККА ОШНО ҚАЛБ

Бундай нозиккалб эгаси сифатида бемалол рассомларни таърифлашимиз мумкин. Ҳар қандай буюм ва манзараларда гўзалликни илғай оладиган бу соҳа кишилари ўз асарларида уни намоён қилади.

– Мени тасвирий санъатнинг сирли олами олис қишлоқдан пойтахт сари етаклади, – дейди ёш рассом Обид Ганжиев. – Бу ерда етакчи рассомлардан сабоқ олиш жараёнида ушбу касбга бўлган меҳрим янада ошди.

Бухоро вилояти Олот туманининг чекка қишлоқларидан бирида тажрибали жарроҳ Ўктам ака ва Гулчеҳра опаларнинг хонадонида туғилган Обид ёшлигидан тасвирий санъатга қизиқиб улғайди. Ундаги ушбу истеъдодни вақтида илғай олган оила бошлиқлари тўнғичи учун барча шароитларни муҳайё қилишди. Йигит 9-синфни тугатганидан сўнг Бухоро шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицейида таълим олди. Бу ерда ёш ижодкорнинг истеъдодини шакллантиришда таниқли рассом Бафо Барноевнинг хизматлари катта бўлди. У ёш шогирдига ранг ва манзара танлашдан тортиб, рассомликнинг барча сир-синоатларини мукаммал ўргатди. Ўз ўрнида тиришқоқ шогирд ҳам барча сабоқларни пухта ўзлаштириб борарди. Унинг лицейни якунлаш арафасида мойбўёқ услубидаги «Менинг бувим» ижодий иши кўпчилик малакали устозлар томонидан юқори баҳоланди. Бу эса ёш рассомнинг ижоди янада равнақ топаётганидан дарак берарди. Обид лицейни тугатгач, ҳеч иккиланмай Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтига ҳужжат топширди. Чунки у тасвирий санъат йўналишида мамлакатимизда ягона бўлган ушбу илм маскани ижодкорнинг истеъдодини янада шакллантиришга пойдевор бўлишини яхши билар эди. Институтнинг дастлабки курсларида ўқиб юрган кезлари бухоролик йигит ўз маҳоратини намойиш эта бошлади. Яъни ёш рассом ўз ижодий ишлари билан республика миқёсидаги танловларда қатнаша бошлади. Ижодкорнинг абитуриентлик пайтида яратган «Кечки суҳбат» ижодий иши мантиқийлиги билан мутахассислар томонидан юқори баҳоланган бўлса, унинг кейинги асарлари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Айниқса, мойбўёқда ишланган «Самарқанд», «Суҳбат», «Хаёл» каби асарлари ёш рассомнинг истеъдоди серқирра эканлигини кўрсата олган.

– Ёш ижодкорлар сафида Обид Ганжиев ўз имкониятларидан тўла фойдалана олганлар сирасига киради, – дейди рассом Ризо Муҳаммедов собиқ талабаси ҳақида. – У мавзу танлашда манзаранинг бетакрорлигига эътибор қаратиш билан бирга, ўз ижодий ишларида инсон қалбини ҳайратга соладиган деталлардан кенг фойдаланиб, яратилажак асарнинг баҳосини оширади.

Ёрқин истеъдодли ёш рассом Обид Ганжиев айни пайтда пойтахтимиздаги энг нуфузли театрлардан бири бўлмиш Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрида рассом сифатида фаолият юритиб келмоқда. Унинг яратаётган декоратив ишлари ҳозирда театр саҳнасига ўзига хос зеб бўлаётир. Айниқса, кейинги пайтда қаҳрамонимиз ва унинг ҳамкасблари Зубайдулло Ботиров, Даврон Ражабовлар томонидан сайқалланган театр декорацияси саҳна кўринишига мос келиш баробарида хорижлик театр ишқибозларига ҳам манзур бўлмоқда. Шу боисдан ушбу аҳил жамоа ишдан бўш вақтларида россиялик ва япониялик театр жамоаларига ҳам буюртма асосида декорация ишларини яратиб беришади.

Республика бадиий академиясидаги ёшлар ўртасида уюштирилаётган турли кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келаётган лавҳамиз қаҳрамони реалистик услубда асар яратишни хуш кўради. Ўзбекистон халқ рассомлари – Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев (марҳум), Баҳодир Жалолов сингари ўзбек тасвирий санъатида ўз ўрнини яратишга интилаётган иқтидор эгаси Обид Ганжиев айни чоғда ўз маҳоратини бойитиш йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда. Ахир у ўзбек рассомчилик санъатини дунёга олиб чиқишни ўз олдига мақсад қилган-да.

Агнеш ҚУРБОНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.







ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВ

Нукус гарнизонида Мустақиллик байрами муносабати билан ҳарбий хизматчилар ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» ўйини ўтказилди. Маълумки, бундай тадбирлар посбонларнинг интеллектуал салоҳиятининг ўсиши, дунёқарашининг кенгайиши, янги билим ва маълумотлар олишига, қолаверса, кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилади.

Лейтенант Зоҳид Исоқов бошчилигидаги «Тўймаслар», кичик сержант Аманбай Жукешев сардорлик қилган «FM йигитлар» ва катта лейтенант Ваҳоб Эргашевнинг «Бригада» жамоалари ўзаро беллашдилар. Танлов шартларининг бажарилиши ҳамда ҳайъат аъзоларининг қўйган балларига кўра «FM йигитлар» ғолиб дея эълон қилинди.

– Барча қатнашчи ва томошабинларнинг хурсандлиги ўйиннинг уларга манзур бўлганидан далолатдир, – дейди тадбир ташкилотчиларидан бири гарнизон офицерлар уйи бошлиғи капитан Бахтиёр Шамуратов. – Билдирилган миннатдорчилик ҳамда таклифлардан келиб чиқиб, Ватан ҳимоячиларининг маданий ҳордиқ чиқаришларига қаратилган чоратадбирларни янада такомиллаштирамиз.

Тадбир сўнгида қатнашчи ҳамда ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Катта лейтенант
Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ.

Қадрият

МОМОМ АЙТГАН ЎЛАНЛАР

Газетамизнинг ўтган сонларида Оллоёр Бобоновнинг «Болангиз нимани эшитаяпти... неларни кўраяпти?» номли мақоласини ўқиб, бугунги қўшиқчилигимиз муаммолари маънавиятли ҳар бир инсонни мушоҳадага чорлашига ишондим. Миллийлигимизга мос келмайдиган саёз қўшиқларнинг яратувчилари шак-шубҳасиз, дидсиз, маънавиятсиз хонандалардир. Тингловчида, томошабинда ҳақли эътироз туғилади: нега ана шундай тутуриқсиз қўшиқлар радио ва телеканалларимизда бериб борилаяпти? Ёшларимиз кимлардан андоза олишмоқда? Аммо муаммоли жиҳатлардан фарқли ўлароқ, аксарият қишлоқларимиз тўйхоналарида ҳамон «Ёр-ёр» авжида, ўлану лапарлар куйлаган момоларимиз, оналаримиз бой қадриятимиз, маънавиятимиз сарчашмаларидан ўзгаларни ҳам баҳраманд этишмоқда. Бу ҳол эстрадамиз муаммоларидан ҳориган кўнглимизга илиқлик элтади.

Яхши қўшиқ, яхши шеър. Улар инсон руҳиятига нечоғли яқин, кўнгилга булоқдай сизиб киради, хуш насимдай юракка баҳорий кайфият бағишлайди. Гўзаллик ва нафосатга ошно қалбгина оҳанг мавжида тўлқиндай тебранади.

– Мен Ватандан олисда ҳарбий хизматни ўтаб юрганимда момомнинг бизга узун қиш кечалари айтиб берадиган мунис қўшиқларини мудом эслаб юрардим, чунки улардан туғилган юртимнинг нафаси келиб турарди, – дейди анғренлик Ҳусниддин Эшмуродов. – Момом ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимдан икки йил ўтгач, қазо қилдилар. Аммо ҳамон у кишининг майин хиргойиси қулоқларим тагидан кетмайди. Ўшанда кассетага момомнинг қўшиқларини ёздириб олганлигимдан ҳануз қувонаман.

Ҳусниддиннинг ҳозирда тўрт нафар фарзанди бор. Уларга момоларидан ёдгорлик сифатида қолган тасмалардан ҳиркироқ, лекин тафтли овоз янграйди:

Дарё шундай тошарми,
Ўзанидан ошарми.
Ўша қолган ёримга
Худо мани қўшармиди?
Ҳўжам норингдан-о.
Рўмолимда мушким бор,
Ўйнамоққа ишким бор.
Ўйнагани қўймади
Орамизда душман бор,
Ҳўжам норингдан-о.
Боққа кирсам боғ шамол,
Ҳайдаримни ёзади.
Уйга кирсам ёр ёмон,
Юрагимни эзади,
Ҳўжам норингдан-о.
Рўмолим гажим-гажим,
Дарёнинг суви ярим.
Ўйнатгани қўймади
Дунёда кўнглим ярим...
Ҳўжам норингдан-о.

Ҳусниддин хаёлга чўмган. Биламан, у шу тобда момосининг азиз сиймосини хотирлаяпти, қизалоғи Нозима тасмадаги овозга жўровоз бўлиб куйлайди. Мен унга ҳавас билан термуламан. Қизалоқ момолари айтиб кетган халқона қўшиқларни берилиб ижро этаркан, хаёлан у билан айтишув куйлаётгандек девордаги суратига қараб-қараб қўяди.

Юқоридан келаман от ўйнатиб,
Тўйхонага кираман ёр йўқотиб,
Тўйхонанинг эшиги арча экан,
Ойимларнинг кийгани парча экан,
Айтинг, яна айтишайлик.
Дарёдан оқиб келади оқ ёғоч,
Устида «алҳамд» ўқийди қалдирғоч.
Қалдирғоч қанотига нил боғлади,
Бизнинг ёр кетарга бел боғлади,
Айтинг, яна айтишайлик.

Оналаримиз, кекса момоларимиздан гап-гаштакларда, тўй-маъракаларда, давраларда эшитиб турадиганимиз – «Ҳўжам норингдан» қўшиғидаги сатрлар кимнинг қалбини титратмайди дейсиз. Кўз олдингизда гўё олис кечмиш манзаралари намоён бўлади. От аравада янгасининг пинжига чирмовуқдай чирмашган навниҳол келинчак, ҳали етти ухлаб тушига ҳам кирмаган йигит – куёви ким бўлишини-да билмайди. У ота-онасининг қайноқ бағридан ситилиб бораётган нолаваш андалиб. Унинг қисматида не ёзуғ бор – бош эгаси, эҳтимол оқил-вафодор, эҳтимол қаҳри золим, тошбағир одам. Буниси ёлғиз Оллоҳга аён. Шунинг учун ҳам момоларимиз икки ёшга битмас-туганмас бахт, мустаҳкам тахт тилаб «Ёр-ёр» айтганлар.

«Ёр-ёр» қўшиғини тинглаганим сайин кўз олдимга келтираётган ўша хаёлий манзаралардан сира-сира йироқлаша олмайман:

Аравангнинг изига солдим кепак, ёр-ёр,
Олиб келган қизимнинг бари ипак, ёр-ёр.
Аравангнинг гупчагидан ўйдим қошиқ, ёр-ёр,
Куёв бола сўрасанг олтин қошиқ, ёр-ёр...

Ўйланиб қоламан. Наҳотки, ана шундай юракка туташ халқона термаларни энди фақат тасмалардан эшитсак? Фарзандларимизга кўпинча ҳатто вақтни қизғаниб «алла» айтиш ўрнига магнитофон орқали эстрада қўшиқларини қўйиб берамиз. Уларга мос келадими-йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Ахир, момоларимиз аллага қўшиб, эзгу ниятларини, тилакларини, орзу-армонларини тўкишган. «Алла»нинг ўрнини ҳеч қайси юлдузнинг машҳур қўшиғи босолмайди. Ҳарбийга борган йигитларнинг аксарияти онасининг алласини соғинади, сўз оҳангини кўмсайди. Чунки бу оҳангда у болалигида эшитган алланинг оҳанглари яширин. Чунки бу оҳангда ҳеч кимда учрамайдиган меҳру муҳаббат мужассам.

«Ёр-ёр» наволари-чи? Уларни тинглаб юраги орзиқмаган одам топилмаса керак. Негаки, инсон умрида мангуга муҳрланиб қоладиган қўшиқ бу. Ўлмас қўшиқ бу.

Кунларимиз гоҳ сокин, гоҳ сертуғён ўтаверади. Баъзан шундоққина теварак-атрофимизда не-не жавоҳиротларга тенг истеъдод соҳиблари бизга ҳамнафас эканликларини илғамай яшаймиз. Эрта кўклам – яшиллик дунёси, кузакдаги тилларанг япроқлар, қишнинг кумушранг учқунлари-ю, ёзнинг тиниқ сувларини сезмай яшаймиз. Боғларимизни оралаб бодом гуллари қачон очилгани-ю, ўрик қачон гуллаганини англолмай ҳайратда ёнган юрагимиз яхши қўшиқ тинглаганида ҳам «жиз» этиб кетиши шубҳасиз. Қанийди, бу юртнинг навқирон авлоди ҳам аждодлари куйлаб ўтган дурдона қўшиқлар оғушида яшашса?! Уларнинг кўламини янада бойитиб давраларда баҳраманд бўлишса, ёш ва маъсума оналар мурғак гўдакларини алла айтиб ухлатсалар, йигит-қизлар ўлану лапарлар айтишиб, гулхан атрофида жамулжам бўлсалар, қизлар мажлиси «ёр-ёр» садоларига ғарқ бўлса?! Қанийди!

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

ДОРУЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Бу йилги ёз ғоят серсаҳоват келди. Боғ-роғларимиз сархил меваларга тўла, бозорларимизда ҳар йилгидан арзонроқ меваларни сотиб олиб истеъмол қилиш имкони бор. Расталардаги кўзни қамаштирадиган алвон рангдаги олмалар-у, бол тўла узумларга суқланиб тикиласиз. Етказганига шукр, дея фарзандларингизга бу азиз неъматларнинг қадрига етмоқлик ҳадисини берасиз. Айниқса, шаҳарликлар дастурхонининг мўл-кўллигини таъминлашда ҳисса қўшаётган саҳоватпеша деҳқонлару боғбонларимиз меҳнатини қадрлашга ундайсиз. Тўғри-да, бу ноз-неъматларнинг қадрига етмасак, она табиатни, набототни асрамасак ундан баҳраманд бўлишга эришмасдик-да!

Мирзо Улуғбек туманидаги Яланғоч массивининг «Наврўз» деҳқон бозори қошида фарғоналик миришкорлар мева ва сабзавотлар ярмаркасини ташкиллаштириб, аҳолига нисбатан арзон нархда маҳсулот сотишмоқда. Маҳсулотларнинг тури ҳар хил – тоғ ва дала асалидан тортиб, полиз экинларигача бор.


– Бултур ҳам фарғоналиклардан асал олгандим, қишда ҳузурини кўрдик. Таъмига гап йўқ, – дейди нафақахўр Анна Попова. – Бу йилги об-ҳаво яхши келди. Мана бу олмалардан мураббо қиламан, нархи юз сўм туради. Ҳам арзон, ҳам ширин.

Онахоннинг фикрини тасдиқлаган ўқитувчи Фаридахон Маматова ҳам деҳқонларнинг саҳоватидан мамнунлигини айтди. Ярмарка гавжум, бу ерда мева ва сабзавот маҳсулотларини сотиб олаётганларнинг ўз харидидан кўнгли тўлиб қайтаётганликларини англаш қийин эмас.

Меваларнинг тури кўп. Бири пишиб тугаса, иккинчиси ўрнини босиб турибди. Ҳатто шаҳарликларнинг ҳамёнини чақмайдиган ҳолатда арзон, дастурхонларига тўкинлик олиб келган ёз турли витаминларга ҳам тўйинтирди.

Ҳар фаслнинг завқи ўзгача. Ёз неъматлари эса халқимизнинг дастурхонини безайди. Илойим, бу тўкинлик, бу саҳоватнинг умри узун бўлсин, доруломон кунларга етказаверсин. Дастурхонимиздан қут-барака, тотли неъматлар аримасин.

Алишер МАТЁҚУБОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



ДЕВУШКА НЕДЕЛИ



Кроме основной работы в жизни Галинэ Тумасовой есть особый мир. Это мир живописи. Именно окунаясь в этот мир, где никогда не бывает ни формул, ни стандартов, она созидает прекрасное. Тематика художественных жанров самая широкая – от натюрморта и пейзажей до абстракции.

Вглядываясь в произведения юной художницы, а особенно в пейзажи, невольно задумываешься о красоте нашего края и словно уходишь от суетливого городского ритма, заряжаешься свежей энергией.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

БАЙРАМОНА ТАДБИР

Тошкент гарнизони офицерлар уйида ҳам энг улуғ ва азиз байрам – Мустақиллик айёмига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда қўмондонлик вакиллари, республика «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходимлари Шуҳрат Насимов, Ботир Насриддинов, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сафар Оллоёров, истеъфодаги полковник Александр Лопатинлар иштирок этдилар.

Муддати етган ҳарбий хизматчиларга навбатдаги ҳарбий унвон тантанали равишда топширилди. Шунингдек, байрам муносабати билан тақдирланганларга пул мукофоти, эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Тадбир сўнгида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри санъаткорлари томонидан тайёрланган қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш этдилар.

Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировнинг кўплаб шеърлари қўшиқ бўлиб янграган, янграмоқда. Қуйидаги ижод намунаси ҳам дилларга манзур наволар қаторидан жой олса, ажабмас.

ВАТАН

Ўйласам ўйимдан боллар томади,
Боғлари баҳорни соғинган диёр.
Меҳрим бешигида куй тўлғонади,
Менинг ҳам айтажак қўшиқларим бор.

Кўрдим, кўзларидан соғинчлар оққан,
Осмонингни ўпиб келар турналар.
Заминда ям-яшил аланга ёққан,
Чақмоқлар сасидан олам уйғонар.

Мудроқ нигоҳларнинг болишларига,
Ялпизларнинг иси томганда чак-чак.
Қалдирғочнинг тонгги хонишларига,
Наздимда тошлар ҳам уйғонса керак.

Онам дуосида тинчлигинг тилар,
Фарзандим юзида кулгичинг кўрдим.
Бағрингга ботганда темир тобутлар,
Сойларнинг тошига бошимни урдим.

Армонлар бағридан олган эркингни,
Ютоқиб боламдек бағримга босдим.
Дунё пештоқига қадалди туғинг,
Ватаним, болангман, дунёча ўсдим.

Истиқлол кўзлардан тўкилган алёр,
Қувончим шаршара, оқади дилим,
Темур юрагида юз очган диёр,
Сени Темур руҳи қўлласин, элим!

ЎЗЛАРИМИЗ ЎРГАНАМИЗ

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ



Ушбу ёдгорлик мажмуи – Самарқанд яқинидаги муборак зиёратгоҳ – ёдгорликдир. Ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис, Ҳадис илмининг султони деб аталмиш ватандошимиз Имом ал-Бухорий дафн этилган Челак тумани Ҳартанг қишлоғидаги қабристон мусулмон аҳлининг энг табаррук ва азиз зиёратгоҳларидан бири бўлиб келган. XVI асрда Имом ал-Бухорий қабри устига мўъжазгина мақбара, ёнига масжид қурилиб, ҳовлисига бир неча туп чинор экилган. Лекин мустабид тузум давридаги даҳрийлик сиёсати туфайли бу маскан умуман қаровсиз ҳолга тушиб қолган. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Имом ал-Бухорий каби бутун умрини иймон ва эътиқод, илм-маърифат, диёнат йўлига бахшида этган улуғ зотлар хотираларини эъзозлаш, уларнинг номлари билан боғлиқ жойларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги «Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори асосида алломанинг мақбараси ўрнида махсус ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Бу ёдгорлик мажмуи Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз халқ усталари томонидан 1998 йилда қуриб битказилди.


Мажмуа аввало зиёратгоҳ, муқаддас қадамжо, сўнг кундалик, жума, ҳайит намозлари ўқиладиган жой вазифасини ўтайди. Бу ерда Ҳадис илмини ўрганиш ва бошқа маърифий ишларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Ёдгорлик мажмуининг умумий майдони 10 гектарни ташкил этади. Унинг бош режасини тузишда анъанавий миллий меъморий ечимлар (пештоқ, равоқ, гумбаз, айвон ва бошқалар) асосида барпо этилган бинолар нинг (мақбара, масжид, маъмурий ва ҳ.к. иншоотлар) ҳовли атрофида шаклланиши кўзда тутилган. Ёдгорликка учта пештоқли, ўймакор эшикли дарвозахоналар орқали кирилади. Асосий дарвозахонанинг олди ва ҳовли томонидан анъанавий услубда маҳобатли пештоқ ишланган (ўлчами 12 х 14,6 м). Миёнсарой диаметри 10,5 м.ли мовий гумбаз билан ёпилган. Олд пештоқнинг икки тарафида моҳирлик билан ишланган кошинлар орасига араб ва лотин алифболарида ёдгорликнинг қурилиши ҳақида маълумот берувчи лавҳа ўрнатилган. Катта дарвозахонанинг ўнг тарафида маъмурий ва бошқа ёрдамчи хоналар жойлашган. Бош йўлнинг ўнг тарафида фаввора қурилган. Ундан чапда, масжид тарафда қадимий чинорлар ва ҳовуз сақланиб қолган.

Мажмуа марказида Имом ал-Бухорий мақбараси ўрин олган. Мақбара мураккаб шаклда қурилган бўлиб, ўлчами 9х9 м, баландлиги 17 м. Мақбара девори зангори, ҳаво ранг ва оқ сирли кесма кошинлар, мармар, оникс ва гранит тошлар билан қопланган. Кошинлар гириҳ шаклида терилиб, орасида безакка уйғунлаштириб арабча хатда ҳадислар битилган. Ташқи гумбаз Амир Темур мақбараси гумбазига ўхшаш – қобирғалидир. Гумбазнинг ичи доира шаклида бўлиб, сержило нақшлар билан безатилган. Мақбара марказида оқиш – кўк шаффоф оникс тошдан ишланган сағана ўрнатилган. Мақбаранинг ўнг томонидаги эшикдан зина орқали остки қаватга – даҳмага тушилади. Юқори қаватдаги сағананинг айнан остида Имом ал-Бухорий жасадлари қўйилган қабр мармартош билан қопланган.

Ҳовлининг чап томонида масжид жойлашган. Хонақоҳ ва пешайвонда 1500 га яқин киши намоз ўқиши мумкин. Масжид ичидаги меҳробнинг ўнг томонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз туҳфа қилган кисва – Каъбапўш парчаси осиб қўйилган. Ёдгорлик мажмуи кутубхонасидан Қуръоннинг ноёб қўлёзмалари, турли нашрлари, Имом ал-Бухорий асарларидан намуналар ва бошқа китоблар ўрин олган. Мажмуа тўрида – мақбаранинг орқа тарафида Ҳадис илмини ўрганишга мўлжалланган ўқув маркази – «Дорул ҳадис» биноси жойлашган.

Ушбу ёдгорлик мажмуи кейинги асрларда бунёд этилган улкан ва ноёб иншоотдир. У ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз масканга айланди.

М.САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.



ЙИГИТЛИК БУРЧИ

қисса

III боб. ҚАЙНОҚ ФАОЛИЯТ



(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Баҳромнинг отаси Собир ака телевизордаги сериални томоша қилиб ўтираркан, фильм қаҳрамонининг ўз хотинига «ҳаётда нимаики қилган бўлсам сени бахтинг учун қилдим», деган гапларини эшитиб, ўйга толди. Негадир хотинини эслади.

«Мен Муҳайёга нима бера олдим? – ўйлади у. – Уни бахтли қилолдимми? Бир вақтлар бўш-баёвгина йигитча эдим. Армия мени чиниқтирди. Ҳарбий хизмат мени пишитди. Мана энди, уч фарзандининг отасиман. Ўғлим Баҳром ҳарбий хизматда. Насиб этса, армиядан қайтгач, уни уйлантирамиз. Бу ҳам бир бахт-да! Яхши ният қилиб, буқача олиб қўйдим. Баҳром қайтган куни сўйиб, юртга ош тортаман. Дарвоқе, Баҳромга касалхонадан чиққаним, аҳволим яхшилигини маълум қилиб қўйишим керак. Бола бечора у ёқда сиқилиб юрмасин...»

●

Ўша кунги чойхонадаги учрашувдан кейин Жасурнинг дўсти Ботир армия ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди.

Орадан кўп ўтмай, туман ҳарбий бўлимига борди, кузда армияга бориш нияти борлигини билдирди. Тиббий кўрикдан кейин ҳужжатларни тайёрлаб, қандайдир ҳарбий қисмга жўнатишди, катта тантана билан.

Уларни ҳарбий қисмга автобусларда олиб келишди. Хизмат жойлари, ошхона, ётоқхоналар билан таништиришди. Ботир шу вақттача ҳарбий ҳаётни тасаввурига ҳам сиғдира олмасди.

Мана энди ўз кўзлари билан кўрди. Армия унга жуда кўп нарсаларни ўргатди. Илгари кўп нарсани билмасди. БТР ё БМПни эшитганди-ю, ўзини кўрмаганди.

Яқинда снёсий ўқиш хонасида уларга «Сардор» деган фильмни кўрсатишди. Унга жуда ёқди. Яна қайта кўргиси келди. Самарқанд, Хива, Бухоро ҳақидаги фильм ҳам ёқди. Ўша ерларга боргиси келди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ўша ёқларга боришни ният қилиб қўйди.

Айниқса, ундан бобоси хурсанд. «Жуда ўзгариб боряпсан, ўғлим, – деди у суюниб. – Мана, армиянинг қудрати! Мана, йигитлик бурчи нима дегани! Эҳ, менинг ёшлик йилларим! Яна аскар бўлиб қолсам эди!»

Укаси ҳам Ботирга ўхшаб аскар бўлгиси келиб юрибди.

Энди улар, ота-онаси, укаси Ҳарбий қасамёд куни келишади...

●

Ботир ўтган бир ойни эсласа, кўнгли ёришиб кетади. У жуда катта мактабни ўтади. Кўп нарсаларни ўрганди. Энди у ўзини чинакам аскар бўлиб бораётганини ички бир туйғу билан ҳис қила бошлади...

●

Улуғбек Муҳмудов ҳарбий хизматга тез кўникиб кетди. У ҳар куни ҳарбий кийимини кияркан, погонидаги иккита юлдузчани кўриб, ғурурланар, унга аскарларнинг «Ўртоқ лейтенант», деб мурожаат қилишлари жуда ёқарди. Зеро, у бу кунларни тўрт йил кутганди.

Ўзининг қўл остидаги аскарларни ҳам ёқтириб қолди. Айниқса, унга «Урал» ҳайдовчиси, оддий аскар Алишер Раҳимов маъқул тушди. Ўзи интизомли, ҳарбий техникаси доим шай. Қайси куни, дивизион командири томонидан ўтказилган техника текширувида биринчи ўринни олди. Бундан ўзи ҳам, Улуғбек ҳам қувонди...

●

Алишер таътилдан қайтганига ўн кун бўлди ҳамки, ҳалигача Баҳромни учрата олмади. Уларни дала машғулотларига олиб кетишган экан. Ниҳоят, кўришишди. Анчагача гаплашиб ўтиришди.

Алишер унга таътили қандай ўтганини, маҳалладаги учрашувни, Нигора билан хиёбонларни айланганларини, кейин Жасур акаси билан чойхонада учратган нотаниш кишининг ғалати ҳикоясини айтиб берди,

– Мен ўзимни унинг ўрнига қўйиб кўрдим, – деди Алишер хўрсиниб. – Унга қанчалик қийин бўлганини тасаввур қиляпсанми? У деб сингласи яхши кўрган йигитига турмушга чиқолмаган, укаси иш тополмаган, онаси ўлиб кетган экан. Демак, ҳаётда ҳамиша очиқ кўз билан яшаш керак экан.

– Тўғри, – деди Баҳром унга. – Бу ерларда нима учун юрганимизни унутиб қўймаслигимиз керак. Орқада ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, сингилларимиз туришибди. Шулар ҳаққи, ҳалол хизмат қилишимиз лозим. Мен ҳам яқинда командиримиздан Ташаккурнома олдим.

– Бу зўр иш бўлибди, – деди Алишер дўстини табриклаб.

Улар то бўлинмалар сафга тизилгунча суҳбатлашиб ўтиришди.

●

Алишер хизмат қилаётган бўлинмадаги бир аскар йигит лазаретга тушиб қолди. Лейтенант Маҳмудов машғулотлардан кейин ҳаммаларини бошлаб ўша ерга олиб борди. Уларни ҳамшира сержант Жамила Азизова қарши олди. Уни оппоқ халатда, оқ қалпоқчада кўриб, Улуғбек ғалати бўлиб кетди. «Бунча чиройли бўлмаса!» деган фикр ўтди хаёлидан.

Шу куни улар танишишди. Жамила унга ҳарбий қисмда ўн икки ойдан бери хизмат қилаётганини, ўтган йили тиббиёт коллежини тугатганини айтиб берди. Яқинда сержант унвонини беришибди.

Улуғбек ҳам унга ўзининг бошидан кечирганларини айтиб берди. Ва шу куни бўлинмадагиларни, ўртоқларини бориб кўришлари баҳонасида улар яқин бўлиб қолишди. Ҳар хил сабаблар билан учрашиб турадиган бўлишди...

●

Кузги жанговар тайёргарлик имтиҳонлари яқинлашиб келмоқда эди. Бу орада ҳарбий қисмда энг илғор сержантлар, энг илғор взвод, энг илғор бўлинмалар орасида танлов бўлиб ўтди. Энг қувонарлиси, Алишернинг жанговар техникаси «аъло» баҳоланди.

Алишер ҳамма сафга тизилганда, текширувчи подполковникнинг кўплаб саволларига дадил жавоб берди. Унинг ҳарбий автомобиль, гаубица, артиллерия ҳақидаги жавоблари ҳаммани қониқтирди.

Подполковник ҳам «Баракалла» деб уни табриклади. Унинг исм-фамилиясини ёзиб олди. Алишернинг автомашинасига паркда ҳам юксак баҳо берилди. Уни нафақат назарий, балки амалий ҳам яхши тайёргарлик кўрганини алоҳида таъкидлашди. Натижа яна яхши чиқди.

Куз анча илиқ келди.

Бир куни шаҳар айлангани чиққан Алишер бозорда сержант Жамила Азизовани учратиб қолди. Қўлида иккита сумка, бир дунё нарса. Кўтаришди. Кейин йўл ёқасидаги қаҳвахонага таклиф қилди. Минерал сув ичишди. Гап орасида Жамила «Сизни севган қизингиз борми?» деб қизиқди. Алишер ноқулай аҳволга тушиб қолди. «Исми Нигора. Собиқ синфдошим. Хат ёзишиб турамиз», дея олди, холос.

Жамила кейин лейтенант Улуғбек Маҳмудов билан қизиқди.

– Янги лейтенант қалай? – деб сўради.

– Ҳақиқий офицер,– деди Алишер. – Билимли, интизомли, меҳрибон, бунақаси кам учрайди.

Шу куни Алишер Жамилани автобус бекатигача кузатиб қўйди...

Полковник Баҳодир ҒОФУРОВ.

(Давоми бор).

Кўнгилга ташриф

ДОИМО ИЖОДИЙ ПАРВОЗДА

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли энг улуғ ва азиз байрамимиз – Мустақиллик айёмини қўшалоқ хурсандчилик билан қарши олди. Боиси, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ватандошларимизни мукофотлаш тўғрисидаги давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра ушбу ижодий жамоанинг икки вакили тақдирланди. Ансамблнинг етакчи хонандаси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист капитан Камолиддин Раҳматов жамоадошларининг чексиз қувончига сабаб бўлганлардан. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига ўзининг кўп йиллик фаолияти, санъати ва қўшиқчилик маҳорати эвазига эришган истеъдодли санъаткор билан қилган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



Камолиддин Раҳматов 1966 йил Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида таваллуд топган. Хонанда ва созанда Каримжон аканинг фарзанди санъатга эрта меҳр қўйди. Илк қўшиғини, яъни «Онажон»ни олти ёшлигида ижро этиб, даврага йиғилган томошабинларнинг эътиборига тушган болажон касб танлаш борасида ўшандаёқ бир тўхтамга келган эди. Ҳа, у айнан машаққатли ва тинимсиз меҳнат талаб қилувчи йўл – санъат йўлини ҳеч иккиланмай танлаган. Мусиқа мактабида таҳсил олиб, сўнгра Фарғона олий билим юртининг мусиқа бўлимини муваффақиятли тамомлаган. Уч фарзаднинг отаси.

– Камолиддин ака, сизни аввало фахрий унвон билан муборакбод этмоқчиман.

– Раҳмат. Камтарона хизматларим давлатимиз раҳбарияти томонидан бундай эътирофга лойиқ, деб топилганидан жуда хурсандман. Таъкидлашни истардимки, юксак унвон бу – нафақат шахсий, балки бутун ижодий жамоамиз ютуғи, муваффақиятидир. Ҳар қандай санъаткорни бундай эътибор янада ижодий парвозларга чорлаши, руҳлантириши аниқ.

– Сизнингча, ватанпарварлик нима?

– Бу аввало, Ватанни севиш. Севганда ҳам чин юракдан севишдир. Уни ардоқлаш, эъзозлаш ва қадрига етиш. Унинг ташвиши ва хурсандчилиги билан яшаш. Юрт, халқ манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш…Қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар ўз саъй-ҳаракати, кундалик фаолияти билан туғилиб ўсган жонажон гўшаси ривожига ҳисса қўшаётган, ён-атрофдагиларга фойдаси тегаётган инсонни ҳақиқий ватанпарвар десак, асло янглишмаймиз. Айнан шундай инсонлар она диёр равнақи йўлида жон куйдирадилар. Бутун диққат-эътибори, куч ва билимини шу мақсадга сафарбар этадилар.

– Деярли ҳар ҳафта ойнаи жаҳон ёки радиоэфирлари орқали янги хонанда, яратилган янги қўшиқ ҳақида хабар топамиз. Бундай тезкор ва минг афсуски, савияси паст баъзи қўшиқлар мухлисларнинг қўшиқчилик санъатига бўлган ихлосини сўндирмасмикан?

– Менимча йўқ. Лекин бундай қўшиқларнинг инсонларга таъсирини унутмаслик зарур. Тўғри, ҳар ким ёши ва кайфияти, қолаверса, хоҳишидан келиб чиқиб, истаган қўшиқни тинглайди. Шу ўринда бир гап. Қўшиқ ҳам санъат тури маҳсули сифатида кишиларнинг ором олиши, ҳордиқ чиқариши, руҳан тетиклашишига хизмат қилиш билан бир қаторда уларни тарбиялашга, гўзаллик ва беғуборлик оламига сайр қилишга, эзгу ва яхши амалларни бажаришга ундаши лозим. Акс ҳолда у ўз вазифасидан, унга қўйилган талаблардан йироқлашибгина қолмай, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир ўтказади. Назаримда, умри қисқа ва қадр-қиммати паст, савиясиз қўшиқларни тарғиб қилишдан тийилиш ҳамда яратилган ҳар бир қўшиқни жамоатчиликка тақдим этишдан олдин, албатта, мутахассислар кўригидан ўтказиш бу борада анча самара беради.

Баъзан элимиз севган ва ардоқлаган устоз санъаткорлар қўшиқларининг янгича, замонавий талқиндаги ижроси қулоққа чалинади. Назаримда, бу – уларга нисбатан ҳурматсизлик… Тўғри, қўшиқнинг янгича ижроси муваффақиятли чиқаётган ҳоллар, кам бўлса-да, учрамоқда. Бироқ бошқа вазиятларда қўшиқнинг асл қиёфаси бутунлай ўзгариб, таниб бўлмайдиган «бузиқ» кўринишга эга бўляпти. Балки асл нусхадан бехабар кишиларга бундай қўшиқлар манзурдир. Лекин ҳақиқий ихлосмандлар, мутахассислар наздида улар ўлмас наволарга қилинган муваффақиятсиз тақлид, холос.

– Куй басталашингизни яхши биламиз. Умуман, ушбу жараённинг сизда қандай кечиши ҳақида гапириб берсангиз.

– Айтиш жоизки, қўшиқнинг муваффақиятли чиқишида шеър, куй ва ижронинг ўзаро уйғунликдаги талқини, ҳамоҳанглиги етакчи ўрин тутади. Ушбу таркибий қисмларнинг қайси бирида бўлишидан қатъи назар камчилик ёки беэътиборлик мавжуд бўлса, охир-оқибат қўшиқ имконият даражасидаги чўққини забт эта олмайди.

Куй басталанишига келсак, аввало, шеър танланади. Шеър-ки, ўзида дарди бор. Мазмунмоҳияти, мантиқи бор. Матн мазмуни ва унда етказилаётган фикрдан келиб чиқиб, аниқроғи, уни ифода этишга хизмат қилувчи, таъсирини кучайтирувчи ва қалбларга янада кириб боришга ҳамроҳ бўлувчи куй басталанади. Албатта, бунда шеърнинг ёзилиш услуби, фикр ифодалаётган сўзларнинг жойлашиш тартиби ҳамда оҳангига эътибор қаратилади. Қолаверса, куй басталаш жараёнида мусиқанинг айнан қайси чолғу асбоби ёки асбобларида ижро этилиши ҳам белгиланади. Бунда эса, чолғу асбоблари ҳақида билимларсиз иш битмайди. Зеро, уларнинг ҳар бири куй орқали тингловчига ўзгача кайфият ва руҳ бағишлашда бетакрор аҳамиятга эга.

Қўшиқ тайёр, дейлик. Бу ёғи энди, хонанданинг маҳорати, иқтидори ва тажрибасига боғлиқ. Санъаткор ижод маҳсулини юраги билан ҳис этиб, айнан юракдан чиқариб куйласагина кишилар қалбига йўл топа олади.

– Орзуларингиз...

– (Бир оз ўйланиб). Халқимизнинг доим севиб тинглайдиган, хиргойи қилиб юрадиган, дилидан муқим жой олган қўшиқлар бор. Вақти келиб менинг ижод намуналарим ҳам шундай юксак даражага етса, ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон ҳисоблардим.

Ота сифатида фарзандларим камолини кўриш, уларнинг ҳаётда ўз ўрниларига эга, ён-атрофдагилар учун керакли инсон бўлиб етишишини ният қиламан.

– Самимий суҳбатингиз учун катта раҳмат. Келгусида ҳам сиздан янги, халқимизга манзур бўладиган қўшиқлар кутиб қоламиз.

«Ватанпарвар» мухбири катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ суҳбатлашди.







СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Теннис

ОСИЁ РАКЕТКА УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА



Мана бешинчи йилдирки, теннис бўйича нуфузли турнирлардан бири ҳисобланмиш Осиё чемпионатига азим Тошкент мезбонлик қилаяпти. Ўтган вақт мобайнида пойтахтимиз кортларида кўплаб теннисчилар ўз маҳоратини ошириш баробарида, айнан шу ерда Осиё теннисининг янгиянги юлдузлари кашф қилинди. Катта шлем туркумига кирувчи Австралия опенга йўлланмани қўлга киритиш учун бу йил ҳам қитъамизнинг маҳоратли «олтин тўп» устали яна Тошкент теннис марказида жам бўлишди. 4 сентябрь куни бошланган чемпионатни вакилларимиз анча муваффақиятли ўйинлар билан бошлашди. Дастлабки учрашувда теннисчиларимиздан Мурод Иноятов ўзидан анча тажрибали бўлган покистонлик Аисам-ул-Ҳақ Қуреширга рўбарў келди. Ўз истеъдодини кўрсата олган вакилимиз икки сетда 6/1, 6/3 натижани қайд этиб, рақибини мағлубиятга учратди. Ана шундай қийинчиликларсиз иккинчи босқичга йўл олган теннисчиларимиздан яна бири Денис Истомин бўлади. У илк учрашувда эронлик Ануша Шаҳголини 6/3, 6/2 ҳисобида мағлуб қилган бўлса, биринчи босқич баҳсларида тошкентлик Сарвар Икромов ҳам ҳиндистонлик Мустафо Гусни билан бўлган беллашувда 6/4, 6/4 ҳисобида ғолибликни қўлга киритди. Хуллас, эркаклар баҳсининг яккалик учрашувларида саккизта вакилимиз кортга тушган бўлса, улардан бештаси иккинчи босқичга йўл олди.

Қизлар ўртасидаги учрашувларда эса фақатгина икки теннисчимиз – Ирода Тўлаганова ҳамда Оқгул Омонмуродовалар-нинг ўйинларини ижобий баҳолаш мумкин.

– Жароҳатим туфайли анча пайт кортга тушолмадим, – дейди Ирода Тўлаганова. – Боз устига, WTA (Халқаро аёллар теннис ассоциацияси) таснифидаги рейтингим ҳам анча тушиб кетди. Айни пайтда йўқотган очколаримни қайта тиклашим учун анча қулай вазият. Бу сафар чиройли ўйин намойиш этиб, албатта мухлисларимни хурсанд қиламан.

Хабарингиз бор, ўтган йили Осиё чемпионати баҳсларида Иродага жароҳати панд бериб, ўйинни давом эттиролмаганди. Соғлиғи тикланган теннисчимиз бу йил катта ишонч билан кортга тушди. Ҳозирча у баҳсларни анча муваффақиятли бошлади. Дастлабки учрашувда хитойлик Вантинг Лиуни 6/4, 6/3 натижа билан доғда қолдирди ва иккинчи босқичга йўл олди. Қизғин беллашувлар тафсилотлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз.

Холида БЕКНАЗАРОВА.



Футбол. Осиё чемпионати – 2007

«ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ!»

Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари 2007 йилда бўлиб ўтадиган қитъа чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладиган жамоаларни аниқлаб берувчи саралаш учрашувларининг 4-турини Гонгконг терма жамоасига қарши сафарда ўтказдилар. Ёдингизда бўлса, 16 август куни айнан шу жамоалар Тошкентда учрашишган ва бу ўйин кутилмаганда 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланган эди. Ўша учрашувдан сўнг Гонгконг футболчилари ва мураббийларининг қанчалик хурсанд бўлишганини сўз билан ифодалаб бериш ҳам қийин. Чунки улар гуруҳдаги кучли жамоалардан бири билан унинг майдонида ўтган ўйинда қимматли очкога эга бўлишган ва терма жамоамиз билан бир хил очко тўплаб, кейинги босқичга чиқиш имконига ҳам эга бўлишган эди. Футболчиларимиз эса осон эгалланиши кутилган қимматли очколарни қўлдан бой бериб, ўз имкониятларини жуда пасайтириб юборишган эди.

Шу сабабдан ҳам Гонгконгда ўтказилган жавоб учрашуви иккала жамоа учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Майдон эгалари ҳам, терма жамоамиз футболчилари ҳам бу ўйинга жиддий тайёргарлик кўришди. Хабарингиз бор, ушбу учрашувга тайёрланиш жараёнида 2 сентябрь куни футболчиларимиз ўйин услуби гонгконгликларникига ўхшаб кетадиган Таиланд терма жамоаси билан сафарда ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришган эдилар.

Ҳал қилувчи учрашувлардан бирига айланган ушбу ўйин олдидан терма жамоамизнинг асосий ўйинчиларидан бўлган М.Шацких, А.Солиев ва В.Радкевичлар жароҳат олганлари сабабли жамоамизга ёрдам бера олмасликлари маълум бўлди. Уларнинг ўрнига бош мураббий В.Непомняший «Трактор» ўйинчиси П.Соломин ва «Нефтчи» ҳужумчиси Н.Отақўзиевларни терма жамоага жалб қилди.

Гонгконгда бўлиб ўтган учрашув кескин ва қизиқарли баҳсларга бой бўлди, иккала жамоа футболчилари ҳам бир қанча имкониятларга эга бўлганликларига қарамай, ушбу ўйин ҳам дуранг натижа билан якунланди – 0:0.

Ўтказилган тўрт турдан сўнг ушбу жамоалар ўрин олган гуруҳда Қатар футболчилари барча учрашувларда ғалабага эришиб, юз фоизлик натижага эга бўлиб туришибди ва финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди, десак ҳам бўлади. Ўзбекистон ва Гонгконг жамоалари эса тўрт учрашувдан сўнг бир хил – 5 тадан очко тўплаб, кейинги босқичга чиқиш учун бир хил имкониятга эга бўлиб туришибди. Гуруҳда қайси жамоа орзу қилинган 2-ўринга эга бўлишини эса энди қолган учрашувлар аниқлаб беради. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси кейинги учрашувларни Бангладеш (сафарда) ва Қатар (Тошкентда) терма жамоалари билан ўтказади. Гонгконг футболчилари эса Қатар билан сафарда, Бангладеш билан эса ўз майдонларида баҳс олиб борадилар. Ўйинлар 11 октябрь ва 15 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Сўнгги йилларда терма жамоамиз кўрсатаётган кутилмаган «сюрприз»ларга ўрганиб қолган мухлисларимизга эса башорат ва тахминлар қилиб, бўлажак учрашувларда футболчиларимиз ижобий натижаларга эришишларини орзу қилишдан бошқа илож ҳам қолмади. Ахир «орзуга айб йўқ», дейишади-ку!

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетаси жамоаси Зулфия Юнусовага падари бузруквори

Носиржон ЮНУСОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Кураш

ФАХРИМДИР, ҒУРУРИМДИР КУРАШ

Бундан саккиз йил аввал миллий спорт туримиз – ўзбек кураши жаҳон миқёсида эътироф этилди. 1998 йил 6 сентябрь куни Тошкентда Осиё, Европа ва Америка қитъаларининг 28 давлати вакиллари иштирокида курашни дунё бўйича ривожлантиришга йўналтирилган Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилди. Ушбу Халқаро ташкилотнинг фахрий президенти этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сайланди.

Шу санага бағишлаб жорий йилнинг 6 сентябрь куни Ўзбекистон миллий матбуот марказида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов, Ўзбекистон кураш федерацияси президенти Абдулла Орипов, Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси раиси Ҳабибулло Тожиев, президент девони вакили Озод Ражабов ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда асосан Кураш халқаро ассоциациясининг (КХА) тарихи, бугунги кундаги фаолияти, келажакдаги режалари ҳақида фикр юритилди.

Дарҳақиқат, шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик қадриятларидан бўлмиш кураш жаҳонда янги спорт тури сифатида жадал ривожланмоқда. Ўтган вақт мобайнида КХА дунёда ўз ўрнига эга бўлган нуфузли халқаро спорт ташкилотига айланди. Бугунги кунда кураш Олимпия ўйинлари сари дадил қадам ташламоқда. Дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатида кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача кураш оиласига аъзо давлатлар сони янада кўпайиши кутиляпти.

2002 йил 18 апрелда КХАнинг – «Олтин орден»и ташкил этилиб, у давлат раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, нуфузли халқаро спорт ташкилотлари раҳбарларига тақдим этилмоқда. Бу мукофотга шу пайтгача КХАнинг фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов (2002), Ҳиндистон Миллий Конгресс партияси раҳбари Соня Ганди (2004), Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) Президенти Жак Рогге (2005), Осиё Олимпия Кенгаши (ООК) президенти, ХОҚ аъзоси Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад Ал-Сабоҳ ва Бутунжаҳон Олимпия қўмиталари ассоциацияси (БЖОҚА) президенти, ХОҚ Ижроқўми аъзоси Марио Вазкез Ранья (2006) сазовор бўлдилар.

Осиё, Африка ва Пан-Америка Олимпия ҳаракати раҳбарлари бу қитъалардаги кураш конфедерацияларининг фахрий президентлари ҳисобланади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, ўзбек миллий курашига дунё мамлакатларида қизиқиш жуда катта, бу жаҳоннинг етакчи спорт ташкилотлари раҳбарларининг миллий курашимизни қўллаб-қувватлаши, уни тарғиб қилишда бошчилик қилаётганларидан ҳам кўриниб турибди.

1998 йилдаёқ давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган ушбу фахрий президентлик лавозими ва КХАнинг «Олтин орден»и дунёда курашнинг жадал ривожланишида ўз самарасини бермоқда. Жумладан, курашни Жазоирда бўлиб ўтадиган Африка ва Афро-Осиё ўйинлари ҳамда Бразилияда 2007 йилда ўтказиладиган Пан-Америка ўйинларига киритиш бўйича жиддий музокаралар олиб борилмоқда.

Кураш ватани Ўзбекистон мустақиллигининг ўн беш йиллик тўйи арафасида ООКдан хушхабар келди. Унда маълум қилинишича, 2006 йили декабрь ойида Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари дастурига кураш бўйича кўргазмали чиқишлар ҳам киритилган. Бундай нуфузли қитъавий Олимпия ўйинлари дастуридан курашимизнинг жой олиши ёзги Олимпия мусобақалари сари ташланган катта қадамдир.

Юртимиз истиқлолининг ўн беш йиллиги кунларида курашимиз тарихида яна бир янгилик, унутилмас воқеа рўй берди. 31 август–1 сентябрь кунлари Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида кураш бўйича бешинчи Осиё чемпионати, белбоғли кураш бўйича эса биринчи Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қитъамиздаги ўндан ортиқ мамлакатлар вакиллари иштирок этишди.

Шуни айтиш керакки, афғонистонлик спортчилар илк маротаба кураш мусобақаларига 2002 йилда Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида қатнашиб, бронза медалини қўлга киритишган. Улар Қобулда ўтказилган мусобақани айнан юртимизнинг мустақиллик кунларига белгилашди. Ташкилотчиларнинг айтишича, ҳали бу мамлакат ҳукуматига янги раҳбарият келиб, юртда осойишталик шамоли эса бошлаганидан бери бундай катта халқаро миқёсдаги спорт мусобақаси афғон заминида илк бор ташкил қилинди. Мусобақани тинчлик ва эзгуликка, барқарорлик ва ободликка ташна афғон халқи кўзида ёш билан кутиб олди. Бугунги кунга келиб, Афғонистоннинг 17 та вилоятида 50 га яқин кураш клублари фаолият кўрсатмоқда. Мозори Шарифда Тошкентнинг «Паҳлавон» ёшлар кураш клуби билан яқин алоқалар йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Шу йилнинг 31 сентябрь – 1 октябрь кунлари Россия давлатида энг ёш полвонлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилади. Бу ўзбек миллий курашининг йилдан-йилга юксалиб, ривожланиб бораётганидан далолатдир. Европанинг ривожланган давлати Англиянинг ўзида 100га яқин кураш клублари иш олиб бормоқда. Унда минглаб спортчилар кураш сир-асрорларини катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Буларнинг барчаси яқин йилларда ўзбек курашининг Олимпия ўйинлари қаторидан жой олишига йўл очиб бермоқда.

Бугун эса миллий спорт туримиз етиб борган давлатларда ўзбек кураши бўйича ўтказилаётган юзлаб нуфузли мусобақаларда ўзбекча сўзлар янграмоқда. Бу мамлакатлар халқлари кураш орқали Ўзбекистон ҳақида, халқимиз ва миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, бир сўз билан айтганда, она Ватанимиз тўғрисида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишмоқда.

Ҳа, миллий курашимиз ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор, ғурур туйғуларини ёймоқда. Ўзбек кураши дунёни забт этмоқда.

Аҳрор ОЧИЛОВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМОНОВ, А. КАМАЛОВ, Ё. ҲАКИМОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Газета жума куни чиқади.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-2790. **Адади** 24300.